

ijtimoiy-huquqiy jurnal

# HUQUQ va BURCH

ISSN 2010-5436

№3/2020

ЙИЛБОШИ -  
барака боши

МАЖБУРИЯТ  
бажарилиши  
керак

Бири иккинчисидан  
КАМ ЭМАС...

ГУЛДАН НОЗИК,  
төвлардан кучли

БИОТЕРРОРИЗМ  
таҳдидларига қарши  
курашнинг ҳукуқий жиҳатлари



**БИОТЕРРОРИЗМ**

таҳдидларига  
қарши кураш-  
нинг ҳуқуқий  
жиҳатлари

14

**ЙИЛБОШИ –  
барақа боши**

2

**ВАТАН РАВНАҚИ,  
халқ фаровон-  
лиги йўлида**

8

Бұғун бутун инсиянга хавф солиб турған коронавирус (COVID-19) инфекцияси, минг афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Шу боис, Мажбурий ижро бюроси фаолиятида фуқаролар ва ходимларнинг мұлоқот хавфсизлиги чораларини күриш, вирусдан сақланиш бүйічә қатый профилактик чора-тадбирлар белгиланди.

**КОРРУПЦИЯВИЙ  
ХАВФ-ХАТАР:**

хуни аниқлаш  
ва баҳолашнинг  
қиёсий-ҳуқуқий  
таҳлили

18

**ХОДИМНИНГ  
ташаббусига  
кўра меҳнат  
шартномасини  
бекор қилиш**

24

Халқаро савдо палатасининг Халқаро арбитраж суди, Стокгольм савдо палатаси қошидаги Халқаро тижорат арбитраж суди, шунингдек, Россия савдо-саноат палатаси қошидаги Халқаро арбитраж суди дунёда эътироф этилган ва бевосита халқаро иқтисодий муносабатларда юзага келадиган низоларни кўришга ихтинослашган халқаро тижорат арбитражлари ҳисобланади. Булар институционал арбитражлардир.

28

**ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ  
АРБИТРАЖЛАРИ**  
фаолиятини  
ташкил этишнинг айрим масалалари

32

**МАЖБУРИЯТ  
бажарилиши  
керак**

36



## ЭГАЛИК ҲУҚУҚИНИ БЕЛГИЛАШ:

бу бўйича  
фуқаролик  
ишлари  
қониқарлимис?

40

## НИЗОЛАРНИ

ҳал этишда  
келишув  
битимининг  
ўрни

44

## БИРИ ИККИНЧИСИДАН


кам эмас...

48

## ЖИНОЙ ИНСЦЕНИРОВКАЛАР:

уларни  
таснифлашнинг  
назарий  
асослари

50



Аёл хилқатига  
гўзал таърифлар  
туганмасдай. Гарчи  
феъли ҳам, ўзи ҳам  
баҳорга менгзалса-да,  
баъзан тушунисиз  
туюлса-да... Агар у  
бўлмаганида буюклар,  
ботирлар туғилмас эди,  
шоирлар яралмас эди,  
муҳаббат қасрлари  
қурilmас эди...

## ПРОБАДИЯ ўзи нима?

54

## АЙБИСИЗЛИК презумпцияси

56

## ГУЛДАН НОЗИК, тоғлардан кучли

60

## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги,  
Бош прокуратураси,  
Конституциявий суди,  
Олий суди

## Таҳрир кенгаси:

Русланбек Давлетов  
Нигматилла Йўлдошев  
Бахтиёр Мирбоев  
Козимджан Камилов

Бош муҳаррир:  
Аслиддин Алмарданов

## Таҳрир ҳайъати:

Акбар Тошкулов  
Бахтиёр Исаков  
Светлана Ортикова  
Хаёт Шамсуддинов  
Шерзод Рабиев  
Нодирбек Салаев

## Дизайнер:

Азамат Жуманиёзов  
Навбатчи мұхаррир:  
Шавкат Ёдгоров

## Журнал саҳифаларида

ЎзА фотосуратларидан фойдаланилган.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журналы  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2012  
йил 13 июняда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатта  
олинган. Журнал 2006 йил март ойидан чиқа  
бошлаган. Ойда бир марта чиқади.

Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нархда.  
Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан  
фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-  
ҳуқуқий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт.  
Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз  
килиш ва қайтариш мажбуритини олмаган.  
PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат  
мақолалари ҳисобланади.

## Таҳририят манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-й.

## Телефонлар:

Ижодий бўйим: (71)277-04-23, (71) 277-04-51.  
Обуна бўлими: (71)277-04-26; Бухгалтерия: (71)277-04-72  
web-site: [www.huquqburch.uz](http://www.huquqburch.uz);  
e-mail: [info@huquqburch.uz](mailto:info@huquqburch.uz)  
 [facebook.com/huquqburch.uz](https://facebook.com/huquqburch.uz)  
 [telegram.me/huquqburch.uz](https://telegram.me/huquqburch.uz)  
Журнал 17.04.2020 йилда босмахонага топширилди.  
Коғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.  
Шартли 8 б.т. Буюртма №1155. Адади: 4060.  
«Колорпак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-й.



# Йилбоши – барака боши



Хотиранинг турлари кўп. Биз уни оғзаки ва ёзма хотира деймиз. Ёзма манбаларда келган маълумотлар ёзма хотира-ни, халқнинг ёдида ўтиб келаётгандар и оғзаки хотирини ташкил этади. Одатда, кишилар ёзма манбага кўпроқ ишонади. Унинг ҳақиқатга қанчалик тўғри эканлигини ўйлаб ўтирмайди. Халқ фольклори, бетакор удум-маросимларимиз ҳам оғзаки, айни пайтда, ҳаракатдаги хотира ҳисобланади. Хотиранинг яна бир тури борки, бу қон ёдида турадиган, илмий тилда айтганда, гендан ўтадиган хотирадир. Халқнинг қайси анъаналари, удум-маросимлари, моддий-маънавий мероси ёдига сингишгани кузатилса, улар туғма ва қадимий бўлади. Масалан, курашни олайлик. Олимлар ўзбекнинг тетапоя бўлган икки боласини қарама-қарши қўйиб тажриба ўтказишганда, улар бе-иҳтиёр кураш ҳаракатларини бажаришган экан. Демак, кураш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ўзбекнинг кураш билан маҳсус шуғулланмаган ҳар бир фарзанди майдонга тушса, қон хоти-раси уйғониб кураш ҳаракатларини ба-жариб кетаверади. Наврўз ҳам бизнинг қон хотирамизда келаётган байрами-миз, асл қадриятимиздир.

Байрамлар киши кўнглини поклайди. Шу боис уларни руҳнинг ҳаммоми дейиш мумкин. Ҳусусан, Наврўз каби мавсумий байрамда одам ўтган умрини сарҳисоб қиласи, келажакни ҳам режалаштиради, киши тубдан янгиланади. Ҳудди қамиш бўғин-бўғин бўлиб ўстганидай, инсон ҳам фасллар оралиғида янгиланиб боради. Алмашинув нафақат табиатда, балки ин-сон руҳиятида, унинг ботинида ҳам ке-чади. Наврўзнинг покланиш, қайта туғи-лиш байрами аталиши шундан.

Бизнинг уч ўлчами дунёмизда вақт-ни сония, соат, кун, ҳафта, ой, йил, аср, эраларга ажратиб, белгилаш урф бўлган. Бу шунчалик ўз-ўзидан туғилиб, таомилга кирган эмас. Инсоният фазо ва ерда вақтнинг маълум бир босқич, ҳалқаларда

узлуксиз айланиб қайтишини кузатиб, ана шу ўлчамларни белгилаган. Ерда ту-риб коинотни кузатган аждодларимиз-нинг тўплаган билим ва тажрибалари ҳамда коинотдан тушган ахборотлар бизга мифлар, маросимлар, ҳалқ оғзаки ижо-дининг қўйма шаклларида мерос бўлиб келган, бугунимизда ҳам яшамоқда.

Дунёнинг барча ҳалқларида йилни фаслларга, мавсумларга ажратишнинг ўзига хос тартиби бор. Аввало, кўпчи-лик ҳалқлар ўртасида икки тартибдаги тақвим амал қиласи, бири – қуёш тақви-ми, иккинчиси – ой тақвими. Бизда ҳам қадим-қадимдан мана шу икки тақвим амалиётда кенг қўлланилган.



Эз мавсуми – 21 марта бошлаб кун узаяди. Кундузнинг ёйилиб, кенгайиши-ни ифодаловчи «ёз» (ёзилмоқ, узаймоқ, кенгаймоқ маъноларида) бу мавсумга исм бўлган. Аксинча, туннинг узайиб, кун-дузнинг қисқариши – «қиши» (қисилмоқ, сицилмоқ, тораймоқ маъноларида) сўзи билан аталган. Атамалар тасаввур ва ду-нёқарашни тўлиқ қамрайди. Маколда «Ёзил, қиши йиғил» деб айтилиши далилдир.

Кўёшнинг ер шари устида  $23^{\circ}27$  ши-молий кенглика ва  $23^{\circ}27$  жанубий кенгли-лар оралиғи бўйлаб силжиши мавсумий – эклиптика (осмон сферасининг катта до-ириаси  $360^{\circ}$  га teng), йиллик ҳаракат деб аталади. Одатда, ўн икки бурж юлдузла-ри ана шу эклиптика чизиги бўйлаб бир хил –  $30^{\circ}$  га teng оралиқда жойлашган. Кўёшнинг йил давомида ҳар бир ўқак (бурж)да кўноқ бўлиши ердаги кузатув-чи учун ўлчам ҳисобланган. Ўн икки ўқак қадимда шундай номланган: Кўзи (Ха-мал), Уз (Савр), Эрандиз (Жавзо), Кучик (Саратон), Арслон (Асад), Буғдойбоши

(Сүмбила), Улгу (Мезон), Чазан (Ақраб), Ей (Қавс), Үгләк (Жадий), Күннак (Далв), Балиқ (Хут). **Күш үйигирма бириңчи** мартда шимолий ярим шарға - Күзи (Хамал) буржига ўтади, бу вақтда кече билан кундуз ҳар иккала ярим шарда ҳам тенг бўлади. Айни шу кун шимолий ярим шарда баҳорги тенгкунлик - Йилбоши, Наврӯз киради. Кузги тенгкунлик - 22 сентябрда күш жанубий ярим шарда - Улгу (мезон) буржига туради. Халқимиз бу кунни қадимда Самон куни (Мехржон) сифатида нишонлаган.

Ойнинг тўлишиб, ботиши ва маълум бир юлдузлар билан ўзаро муносабатига қараб ой тақвими тузилган. Ой тақвимига кўкда маълум юлдузларнинг ой билан тўқнаш келиб ўтиши асос сифатида олинган. Бу юлдузларнинг бири - Ҳулкар, иккинчиси Қамбардир. Ер йил давомида күш атрофини айланар экан, ёз фаслида Қамбар, қиши фаслида Ҳулкар юлдузларигина ердан кузатилади. Аслида Сомон йўли галактикасининг бир кутбида Қамбар, иккинчи кутбида Ҳулкар юлдузлар туркуми ўрин олган. Кузатувчи назарида бу юлдузлар ер атрофида шундай айланадики, бири иккинчисини ҳеч қачон кўр-

майди. Қиши мавсумида Ҳулкар, ёз фаслида Қамбарни аниқ кузатиш мумкин. Йил давомида ой билан Қамбар туркуми ёнмаён келган (тўқнашган) кунлар - Қамбар-тўғал, Ҳулкар билан ой юзма-юз бўлган кунлар Ҳулкар-тўғал номини олиб, тақвимга асос бўлган. Ой ва ушбу юлдуз туркумларининг қайси тарзда учрашувига қараб табиатда бўладиган ўзгаришлар, об-ҳаво райи (эҳтимоли) тахмин этилган, чорвадорлар, дехқонлар ўзларининг мавсумий юмушларини режалаштириб, қаҷон экин экиш, чорва тўли (қўзилаш мавсуми) қаҷон олиниши лозим, қайси вақтда чорвани яйловга чиқарган маъкул, ҳосилни йиғиб олиш муддати каби юмушлар вақтини белгилашган.

Ҳулкар ва Қамбар юлдузлари билан боғлиқ туркум нақл, афсоналарда халқнинг билим ва тажрибалари бадиий ифодаланган. Айтадиларки, Ҳулкар - қиз, Қамбар - йигит бўлиб, севишганлар эмиш. Етти қароқчи (юлдуз) уларнинг ўртасига тушиб, юз кўрмас бўлиб кетишибди. То қиёматгача Ҳулкар билан Қамбар бир-бирини кўрмас экан. Етти қароқчининг қабатидаги бир юлдузча ўша Ҳулкардан ўғирлаб олинган эмиш. Охир қиёматда, (космик тартиб издан чиқиб, борлиқ хаосга эврилиши, самодаги тартибот бузилиб, олам миқёсида улкан ҳалокат юз берганда) Ҳулкар билан Қамбар юз кўришар экан. Яна ривоятда келади: Ҳулкар юлдузи ернинг остига кириб кетганидан кейин, ўша жойда қанча вақт турса, ҳайвонларга шунчалик яхши бўлар экан. Ана шундай кунларнинг бирида тую, от, сигир, эшак, кўй, эчки ўзаро келишиб, Ҳулкарни ер тагидан чиқармасликка аҳд қилишибди. Навбат билан Ҳулкар чиқадиган ери беркитиб пойлаб турадиган бўлишибди. Эчкига пойлоқчилик етганида, унинг тоқати тоқ бўлиб: «У қаҷон чиқади, бир ўтлаб келай» деб ўйинга берилиб, Ҳулкарни унугтибди. Бир пайт эчки келиб қараса, Ҳулкарнинг боши кўриниб, чиқиб келаётганимиш. Эчки шошиб туёғини туй-



нукка босибди. Ҳулкар унинг туёқларини тешиб осмонга учиб кетган экан. Агар эчки вақтида олдини олганида, Ҳулкар ер остида қолиб, ҳамиша ёз бўлар экан.

Нима учун эчки? Нақлда от, тия ёки бошқа ҳайвон эмас, айнан эчки Ҳулкарни кўйиб юборди? Аслини олганда, эчки ёки улоқ бизда кўклам тимсоли ҳисобланади. **Қишининг зооморфик тимсоли эса бўри ҳисобланади.** Маросим ва фольклорда иккаласи бир-бирига қарама-қарши кўйилган. Бу тасаввур изларини халқ кўшиклиарида кузатамиз. Болалар кўкка булат чиқиб, ёмғир ёғиши кутилаётган, кечикаётган вақтлар:

**Ёмғир ёғалоқ,**

**Эчки чақалоқ,**

**Бойнинг қизининг**

**Қорни юмалоқ...**

деб куйлаши урф бўлган. «Ёмғир ёғалоқ» дегани – ёмғир ёғмоқчи эди. «Эчки чақалоқ» дегани – ҳали эрта кўклам бўлгани билан ёмғир негадир кечикяпти, бойнинг қизи – ҳайдалган ер эса бўлажак ҳосилга

ҳомиладор. Урф тушган ердан майса униб чиқиши учун ёмғир керак деб куйланмоқда. Бу кўшиқ кечикаётган ёмғирни чакириш учун айтилган.

Наврўзning қадимийлиги ва халқимиз қон ёдига сингишганлигини Наврўзга асос бўлган дунёқараш ва тасаввурларнинг бевосита «Гўрўғли» достонига ҳам манба эканлиги далиллайди. Гўрўғли ер остида туғилиб, ўз вазифасини адо этгач, яна қайтиб форга кириб кетади. «Гўрўғли» эпоси ўзагини айнан ўлиб тирилувчи – табиат ва қуёш, ой туркуми мифлари ташкил этади. Достон сюжетининг мифологик асосида мавсумий ўлиб-тирилувчи табиатнинг ёз (кўклам) тимсоли – Гўрўғли ва унга қарама-қарши қутб ҳисобланган Райхон подшо – қиши тимсолининг кураши турибди. Достоннинг бу кунги вариант, версияларида сюжетнинг айни ҳалқалари (кўклам ботинида қиши, қиши ботинида ёз этилиб туғилиши, бу туғилиш ўзаро кураш, қарама-қаршиликлар ичидаги уйғунлик, доимий ҳаракатдан иборат эканлиги) билан боғлиқ тасаввурлар янгиланиб, бадиий-эстетик талқин олган,



инсоний муносабатлар тасвирига ўтган: этнос ва уни кувватга келтирувчи алп мансуб бўлган авлоднинг бадиий тарихига айланган. Гўрўғли номида қуёш ўғли мазмуни тургани ҳам фикримизни исботлайди. Айнан «Гўрўғли» достони ўзагида турувчи сюжетнинг маросим шакли ҳозир болалар ижросига ўтган «Бойчечак» маросимида кузатилади. Маросимнинг нисбатан тўлароқ ҳалқалари Наманган вилоятининг Чортотумани худудида сақланиб қолган. Бу ерда болалар эрта кўклам бойчечакни топиб, бир гурух бўлиб, жўрабоши етагида хонадонма-хонадон кезиб чиқишиди. Бойчечакчилар ҳар бир дарвоза олдида тўхтаганда, жўрабоши ушбу қўшиқни куйлади:

– Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,  
Худойим ўғил берсин бешигингизга.

*Гуруҳ эса:*

– Бота, бота-бо, бойчечак,  
Уйингизга чоч тилла.  
Илойим ўғил берсин,  
Отгинаси Раҳматилла.

*Уй эгаси кўриниш берганда:*

– Ўтириб чиқинг,  
Ўтириб чиқинг,  
Ёғоч товоқни тўлдириб чиқинг, –  
дейдилар.

Хонадон соҳиби жўрабоши тутиб турган бойчечакни кўриб, тавоф қилиб, ҳимматига яраша бойчечакчиларга ул-бул беради. Уй эгаси хасислик қилиб ҳеч нарса бермаса, бойчечакчилар:

Ўқим, ўқим,  
Қозонингга ...! –

деб ёмон тилак билдиради.

Қадимда катталар иштироқида ўтган «Бойчечак» маросимида қиши ва кўкламнинг курашини ифодаловчисаҳналар бўлган. Бойчечак тутган жўрабоши кўклам сиймосида ўз шериклари – аникрофи, жангчилари билан хонадонма-хонадон юриб қишини ҳайдаган. Қиши сиймоси ва жангчиларини ифодаловчи томон қат-

тиқ қаршилик кўрсатган. Бир-бир чекиниб хонадонларни ва, ниҳоят, бутун қишлоқни тарқ этган. Қиши ва кўклам ўртасидаги асосий кураш катта далада бўлган. Бунда қиши ва ёз томон рамзий жанг қилиб, айтим-қўшиқ куйлаб баҳслашганлар. Ҳозирги кунда маросим таркибидан чиққан, аммо қадимий излари сақланган «Сочингни узун дейдилар» лапари «қиши» ва «кўклам» савол жавоби бўлган. Лапарда йигит қизнинг сочи, қоши, кўзи, юзи, бели, қандай эканлигини сўрайди. Қиз эса кўкламдаги табиат тасвири орқали ўзини таъриф этади. Бизнинг назаримизда, «Кичкинажон-кичкина» қўшиги ушбу айтишув, баҳснинг сўнгти нуқтаси бўлган. Қишининг кичрайиб тариқ тимсолига келиши, буни рақсада кўрсатиши кўкламнинг қишини енгиг буруф (тариқ) ҳолатига келтиришини ифода қилган.

Янгиланиш эҳтиёждан келиб чиқади. Эҳтиёж бўлмаган жойда ҳар қандай неъмат уруғлигича қолиб кетаверади. Наврўз ҳам шундай. Собиқ шўролар даврида унга бўлган муносабатни кўпчилик унугани ўйқ. Ўн йиллар давомида у халқдан четта сурин қўйилди. Мақсад халқни ўз хотирасидан, руҳий қувватидан узиш эди. Хотирасидан айрилган одам ўзгага муте қулга айланади. Ўша даврда шундай бўлди ҳам. Наврўз нималигини билмайдиган авлодлар пайдо бўлди...

Мустақиллик йилларида, аввало, шу узилишга барҳам берилди. Халқ руҳияти янамиллий заминдан озиқлана бошлиди. Шундай бўлдики, бу даврга келиб Наврўзда янгиланиш юз берди: у умумхалқ байрами сифатида нишонланана бошлиди. Азалда ҳам Наврўз халқ сайли тарзида ўтказилган. Чунки сайил, томошаларнинг маънавий аҳамияти улуғ. Байрамдан кишилар улкан маънавий озиқ олган, Наврўз қандай қаршиланса, йил давомида шу кайфият ҳукм сурини исботланган. Мамлакатимизда нишонланадиган асосий байрам тантаналарини олинг. Унда қадимий Наврўзнинг унтутилган кўпги-

на узвлари қайта тикланди. Бу тикланиш баробарида янгиланиш ҳам кетаяпти. Мазмун-моҳияти аслига үйғун ҳолда қолаяпти, аммо ижро ҳолатлари замонга мосланмоқда. Натижада азалий байрамимиз янги бир күвватта кирди. Ўзбекнинг маънавий қиёфасини кўрсатадиган катта маънавий ҳодисага айланди. Дунё бу байрам орқали бизнинг қандай ҳалқ эканизни, жаҳон тамаддунида нечоғли ўрин тутишимизни билаяпти, кашф этяпти.

Наврӯз байрамини бутун ҳалқ нишонлаб, байрам қиласар экан, эл яқдил бўлиб, эзгу ниятлар қиласар экан, унинг муроди бутун миллиятнинг кўнглини иллатлардан тозалайди. «Ҳар куннинг Наврӯзга айланиш» орзузи ўз рўёбини топади.

Наврӯз маросимлари қотиб қолган то-пинч эмас, аксинча, у ҳамиша ҳалқ билан бирга яшовчи, ҳалқнинг кўнглида нима-ики кечса, ушбу байрамда ҳам акс этувчи қадрият ҳисобланади. Наврӯз байрамими-нинг бу кунги талқинлари, театрлашти-

рилган ўйинлар байрам моҳиятини англашда ҳалқقا ёрдам бермоқда. Ҳамиша томошабин «суст» ҳолатда қолади. Наврӯз байрами томошабинни сўймайди. Наврӯзда ҳамма иштирокчи, ижрочи ва фаол бўлади. Ана шунда байрам асл моҳиятига үйғун мақомга етади.

Маросимлар, байрамлар, удумлар одамнинг ўзини англаш жараённада пайдо бўлган, ривожланган. Яхлит тизимга келган маросимлар инсоннинг билимларини аждоддан авлодга етказувчи хотиранинг ўзига хос бир шакли бўлиб хизмат қилган. Наврӯзни англаш – инсон ўзини ўзи англашнинг бир йўли. Инсон инсон сифатида шу йўлда ҳам намоён бўлади. Инсоннинг бошқа мавжудотдан фарқли жиҳати ҳам шунда. Инсон табиатни англайди, уни билиш асносида ўзини кашф этади. Наврӯз байрамининг ўзак моҳиятини ушбу англаш ва кашф этиш ташкил қиласиди.

**Шомирза ТУРДИМОВ,**  
филология фанлари доктори





# Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги ўн йилликда энергоресурсларга талаб қескин ошади ва энергетика омили ҳар қандай мамлакат иқтисодиётидаги ҳал қилувчи аҳамиятини сақлаб қолади. Бу, энг аввало, ишлаб чиқариш ва технологик тараққиёт, майший-коммунал соҳаларнинг уларга бевосита боғлиқлиги билан изоҳланади. Демак, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек, суд хужжатлари ижросини таъминлашга мастьул бўлган Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Моҳиятан энергоресурслар таъминоти соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини оширишни кўзда тутивчи вазифалар қай дараҷада уддаланди? Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий та-

рақиётида муҳим ўрин тутивчи коммунал соҳа муаммоларига ечим топиш борасида қандай натижаларга эришилди?

Бюро органлари томонидан амалга оширилётган ишлар, олдинда турган муҳим вазифалар ва юзага келаётган муаммолар таҳлилидан юқоридаги саволларга жавоб топиш мумкин.

Аввало, ижро иши, энергия ресурслари билан боғлиқ барча ҳолатлар тизимли ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилинди. Белгиланган вазифалар – энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва олдини олиш, шунингдек, суд хужжатларининг ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилди. Кисқа вақт ичida суд ва бошқа органлар қарорлари ижросини таъминлаш, энергия ресурслари бўйича қарздорликни камайтириш борасида ижобий кўрсаткичларга эришилди.

### МИСОЛ УЧУН:

Бюро органлари ташкил этилганидан бўён ҳозирга қадар энергия ресурслари, сув истеъмоли ва қаттиқ майший чиқиндилар соҳасида **87,9 трлн. сўм** ундирилди (шундан электр энергияси – **42,7 трлн.**, табиий газ – **43,0 трлн.**, ичимлик суви – **1,9 трлн.**, майший чиқинди – **0,4 трлн.**).

Шунингдек, **45,1 трлн. сўмлик 7,6 млн.**та суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси таъминланди.

Ўтган давр ичida энергия ресурслари ва сув таъминотидан ноқонуний фойдаланиш ҳамда талон-торож қилиниши билан боғлиқ **1,2 трлн. сўмлик** зарар аниқланиб, **1033 та** жиноят иши қўзғатилган.

2017 йилнинг 16 нояброда «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони асосида Мажбурий ижро бюроси органларига сувдан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатларининг олдини олиш, сув таъминоти учун тўловларни ундириш вазифаси ҳам юклатилди ва биргина, 2019 йилда сув истеъмоли бўйича қарздорлардан 1,1 трлн. сўм

ундирилди. Бу бюро ташкил этилмасдан олдинги кўрсаткичга нисбатан 200 фоиз кўп.

Албатта, бюро фаолияти фақат ундирувлардангина иборат эмас. Амалга оширилган хатлов жараёнида «Water control» дастуридаги истеъмолчиларга оид маълумотларга ойдинлик киритилиб, сув таъминоти корхоналари томонидан ҳақиқатда мавжуд бўлмаган 575 мингдан зиёд истеъмолчига фойдаланилмаган сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун жами 140,1 млрд. сўм нореал қарздорлик ҳисоблангани аниқланди.

Нореал қарздорликни ҳисобдан чиқариш бүйича Үй-жой коммунал хизмат күрсатыш вазирлигига маълумотлар тақдим қилинди.

Мақсад сув таъминоти соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли учун қулай ҳисоб-китоб тизимини яратиш эди ва бу борада самарали ишлар амалга оширилди.

Шу сабабли, Президентимизнинг 2019 йил 26 ноябрдаги Фармони билан жорий йилнинг 1 январидан сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун тўловларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш вазифаси «Ўзсувтаъминот» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларга ўтказилди.

2018 йил 22 ноябрдаги Президент фармони билан бюргора қўшимча қилиб қаттиқ маший чиқин-диларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун тўловларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши-

ни таъминлаш вазифаси юклатилди. Бу борада ҳам ундирувлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Муҳими – юртдошларимизда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, тўлов интизомига риоя қилиш маданияти шакллана бошлади.

Ўтган йилнинг 12 марта имзоланган «Судхужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ 2019 йил 1 апрелдан суд хужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнинг медиация институти жорий этилди.

Бюро, шунингдек, оиласларни яраштириш тадбирларини ҳам амалга ошириб келмоқда ва бунинг натижасида 15 мингдан ортиқ оиласлар яраштирилди. Мақсад – нафақат оиласлардаги соғлом муҳитни тиклаш, балки вояга етмаганларнинг келажагини ҳам ҳимоя қилиш.

### **| ШУ ЎРИНДА ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ЯНА РАҶАМЛАРГА ҚАРАТАМИЗ:**

Бюргора келиб тушган **487** мингдан ортиқ мурожаатнинг **221** мингга яқини (**45,4 фоизи**) алимент ундируви билан боғлиқ. Иш юритувидаги ҳужжатларнинг **24,6 фоизини** алимент ундирувига оид ижро ишлари ташкил этади.

Тезкор тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида қидирвудаги жами **2800** нафар шахсдан **900** нафари топилиб, улардан **3,5 млрд. сўмлик** қарз ундирилди.



2019 йилнинг 29 октябрида суд қарорлари ижросини узрсиз сабабларга кўра бажармаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистондан чиқишини вақтинча чеклаш юзасидан Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшиналарининг ҳамкорлигига оид низомни тасдиқлаш бўйича қўшма қарор имзоланди.

Бюро фаолиятини ташкил этишда АКТ ютуклари, инновацион ёндашувларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, иш самардорлиги, меҳнат тақсимоти ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳақонийлиги таъминлаш борасида «E-auksion», «MIB Portal», «MIB Inspektor» ва «Хисоботларнинг ягона портали» каби дастурий тизимлар яратилган.

### ОДДИЙ БИР МИСОЛ:

Олдинлари ҳамма ҳам аукционга қўйилган мол-мулк ҳақида маълумотга эга бўлавермас, улар кўпинча нархи туширилган ҳолда сотилар эди. Эндиликда «E-auksion» ягона электрон савдо майдончаси орқали сотилаётган мол-мулк ҳақида исталган одам маълумот олиш имконига эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 марта «Ижро хужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идораларо электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида»ги қарори билан қарздорлар ҳамда суд қарорлари ижросини таъминлашдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан чекловлар ўрнатиш механизмини йўлга кўйиш мақсадида 30 дан ортиқ ваколатли идоралар билан тезкор электрон ахборот алмашинуви йўлга кўйилди.

Аҳоли мурожаатларига тўхталсак. Бюро ташкил этилгандан бўён келиб тушган 487 мингдан ортиқ мурожаатнинг 197 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди. Уларнинг 55 мингдан ортиғи «1107» қисқа рақамли «ишонч телефоны» орқали келиб тушган.

Мажбурий ижро бюроси фаолиятини бошлиганидан бўён долзарб бўлиб келаётган масалаларни



лардан бири нореал ёки асоссиз қарздорликлар билан боғлиқ ҳолатлардир. Нореал, асоссиз қарздорликларнинг келиб чиқиши Бюро фаолияти билан умуман боғлиқ эмас, бундай ҳолатлар Бюро фаолияти даврида кўпроқ юзага чиқди. Буни тушуниш керак.

Албатта, бундай қарздорликлар қаердан келиб чиқаётгани кўпчиликни қизиқтиради.

Ўрганишлар бунга таъминотчи корхоналар томонидан истеъмолчиларнинг тўлиқ кўриқдан ўтказилмаслиги, энергия ресурслари ва сув таъминотининг талон-торож қилиниши, етказиб бериш жараёнидаги табиий йўқотишларнинг истеъмолчилар зиммасига қарз сифатида кўйилиш асосий сабаб бўлаётганини кўрсатмокда.

Яна ҳам соддароқ қилиб айтганда, таъминотчи корхоналар муайян бир хонадон ёки корхона фойдаланган табиий ресурс, дейлик, газ учун қарздорлик юзага келгани ҳақидаги маълумотни рўйхат асосида бюро органларига юборади. Ана шу маълумот асосида Бюро давлат инспектори қарздорнинг манзилига боради. Мақсад қарзни ундириш! Манзилга борилганда маълум бўладики, у ердаги ҳисоблагич кўрсаткичи давлат инспектори кўлидаги маълумотдан фарқ қиласди. Мана шу жараёнда зиддиятлар юзага келади ва бюро ходимларига кўплаб эътиrozлар бўлади.

## Бундай вазиятда қандай йўл тутиш керак?

Бу каби ҳолатларда истеъмолчи давлат инспекторига вазиятни тушунтириб, тўлов ҳақидаги хужжатларни тақдим этиши ва худудий бўлим ёки бошқармага мурожаат этиши зарур. Ўз навбатида, бюро мастьул ходимлари ҳолатга аниқлик киритиш учун қайта ҳисоб-китобни амалга ошириб, истеъмолчининг манзилида хатлов ўтказади. Ортиқча қарздорликни олиб ташлаб, базага ҳаққоний маълумотни киритиш чораларини кўради.

Шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича жойларда гурухлар тузилган. Улар маҳаллалардаги барча хонадонларни кўридан ўткашиб, истеъмолчи хонадонидаги ҳисоблагич кўрсатгичлари, рўйхатдаги қарз суммаси ва хонадон эгаси тақдим қиласан тўлов квитанцияларини солиширади, реал қарздорлик мавжуд бўлса, уни бартараф этиш юзасидан талабнома беради. Агар қарздорлик мавжуд бўлmasa, рўйхатда кўрсатилган сумма нореал қарздорлик деб топилиб, тегиши тартибда далолатнома расмийлаштирилади ва нореал қарзни истеъмолчи ҳисобидан олиб ташлаш чоралари кўрилади.

### **Бюро органлари фаолиятини бошла- гандан ҳозирга қадар 1 трлн. 344 млрд. сўмлик нореал қарздорлик бўйича 244 та жиноят иши қўзғатилди.**

«Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори билан жойларда электр энергияси истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизимига ўтилмоқда. Бу тизим истеъмолчи ва электр тармоқлари ўртасидаги ҳисоб-китоб механизмини янада тақомиллаштириш, тўловларни ўз вақтида ундириш ва ноқонуний уланишларнинг олдини олиш имконини яратади.

Шу ўринда истеъмолчиларимизда «Бюро ходимлари хонадонларга фақат тўлов ундириш ёки талабнома бериш учун келади» деган бир томонлама қараш шаклланмаслиги кераклигини ҳам таъкидлаган бўлар эдим.

Юқорида баён этилганидек, давлат инспектори хонадондаги ҳисоблагич кўрсаткичларини кўздан кечириб, хатлов ўтказиши фақат ва фақат истеъмолчи манфаатига хизмат қиласи.

Сир эмас, Мажбурий ижро бюроси ташкил топганидан бўён жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари, айниқса ижтимоний тармоқлар фойдаланувчилари эътиборида бўлиб келмоқда.

Биз тарқатилаётган ҳар бир хабар ва маълумотни таҳлил қилиб, унга объектив баҳо беришга ҳаракат қиласиз. Афуски, бюро фаолиятига доир маълумот тарқатишида ҳар доим ҳам объектив ёндашилмаяпти, аксарият ҳолатларда айрим шахс ёки гурухлар манфаати кўзланиб, қонун талблари инобатга олинмаяпти.

Биз бюро фаолиятига оид жамоатчиликни қизиқтирган маълумотларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Мажбурий ижро бюроси органлари жамиятда истеъмол маданиятини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир тарғибот-ташвиқот тадбирларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу жараёнда ижро иши юритишга оид қонун ҳужжатлари, энергия ресурслари ва сув таъминоти соҳасидаги янгиликлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳоли эътиборига етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказишида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланияпти. Республика ва маҳаллий телеканаллар орқали энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бу борадаги қарздорликни камайтиришга қаратилган видеороликлар намойиш қилинмоқда. Мақсад – истеъмолчиларда тўлов интизоми ва ҳуқуқий маданиятни мустаҳкамлаш.

Тўлов қобилиятига эга бўла туриб, тўлов интизомига риоя этмай келаётган фуқаролар яшайдиган маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йигинларида профилактик ва тушунтириш ишлари режа асосида олиб борилаяпти.

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш орқали қарздорликни камайтириш, суд ва бошқа орган ҳужжатларининг ижросини таъминлаш каби вазифаларни бажариш бюро ходимларига осон кечмаётганини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Ишнинг кўплиги ва оғир шароитда ишлашини хоҳламаган 7500 дан ортиқ ходим ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган. Бюро ташкил этилганидан бўён 5 нафар ходим ўз вазифасини бажариш вақтида вафот этган, 225 дан ортиқ ходимга турли даражада тан жароҳати етказилган.



Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси



## 01

Абонент бюронинг "Телеграм" даги "@mibuzbot" ига ёки [www.mib.uz](http://www.mib.uz) сайтига киради.

## 02

Коммунал хизмат турини, вилоят ва туманни танлайди,  
ҳисоб ракамини киритади.

## 03

Абонент ҳисоб ҳолати ҳақида маълумот олади ва  
"Охиги кўрсаткини юбориш" ва "Туловни амалга ошириш"  
хизматларидан фойдаланиши мумкин.

## 04

"Охиги кўрсаткини юбориш" – абонент маҳаллани танлаб,  
хисоблатини суратга олиб жўнатади. Давлат инспектори томонидан  
хисоблагич кўрсаткини тасдиқланганидан сўнг, абонент  
бириктирган телефон рақамига жавоб юборилади.

## 05

"Туловни амалга ошириш" хизматидан фойдаланиш орқали  
абонент ҳисоб ҳолатини тўлдириш имкониятига эга.

<https://www.mib.uz>

@mibuzbot

Ўз навбатида, ходимларимизнинг касбий малякасини ошириш, уларни маънавий-ахлоқий, ватан ва касбга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган профилактика ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўз вазифасини сунистешмоль қилиб, пора олган ходимлар билан ҳеч қаҷон муроса қўлмаймиз.

Бугун бутун инсониятга хавф солиб турган коронавирус (COVID-19) инфекцияси, минг афуски, юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Шу боис, Мажбурий ижро бюроси фаолиятида фуқаролар

ва ходимларнинг мулоқот хавфсизлиги чораларини кўриш, вирусдан сақланиш бўйича қатъий профилактик чора-тадбирлар белгиланди.

Бюро фаолиятида фуқароларимизнинг бевосита иштироки билан амалга оширилиши лозим бўлган (тармоқлардан ноконуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш, ҳисоб-китобларларга аниқлик киритиш, кечкитириб бўлмайдиган ижро ҳаракатлари) ҳолатлар мавжуд. Уларни амалга оширишда ҳам хавфсизлик ва санитария-гигиена талабларига риоя этиш чоралари кўрилади.

**Истеъмолчиларга ўйидан туриб фойдаланилган коммунал хизматлар ва  
қаттиқ майший чиқиндилар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи  
"Telegram" тармоғида "@mibuzbot" бот-канали ишга туширилди.**

Ушбу бот-канал орқали истеъмолчилар ҳисоблагич фотосуратни юборади ва "MIB inspektori" андроид электрон тизимида келиб тушган кўрсаттиг аборент ҳисобига киритиб борилади.

Тўловни амалга ошириша истеъмолчининг пластик картотка рақами, муддати, унга боғланган телефон рақами ва тўлов суммаси киритилгандан сўнг, "SMS" орқали келган ҳимоя кодини тасдиқлаш кифоя. Шу заҳоти сизга тўлов амалга оширилгани маълум қилинади.

Бугунги мураккаб вазиятда ҳам юртдошларимиздан тўлов маданиятига амал қилишларини сўраб қолар эдик.

Сўзимиз бошида энергия ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнига бежиз тўхтамаган эдик. Мавжуд ресурслардан оқилона, ўринли фойдаланиш мамлакатимиз-

нинг бугуни ва эртаси учун қанчалик мухимлигини тушуниб турибмиз. Шундай экан, тўлов интизомини мустаҳкамлаш орқали жамият фаронлигига ҳисса қўшишни ўзимиз учун шарафли бурч деб ҳисоблашимиз шарт.

**Ботир ҚУДРАТХОДЖАЕВ,**

Бош прокуратура ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси директори



# Биотерроризм

## тахдидлариға қарши курашнинг хуқуқий жиҳатлари



Мамлакат хавфсизлиги – ақоли фаровонлиги ва тинч-тотувлигини таъминлаш билан бир қаторда, давлат барқарорлиги, халқаро ҳамжамиятда унинг нуфузи ва тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Ўз навбатида, миллий хавфсизликни таъминлаш – давлат механизимда фаолият юритувчи ваколатли органларнинг ўз функцияларини самарали амалга оширишлари билан боғлиқ бўлиб, ўзида кўплаб соҳаларни, жумладан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, мудофаавий, маънавий, экологик, биологик хавфсизлик масалаларини қамраб олади.

Чунонча, бутун дунёда инсоният хавфсизлигини таъминлаш, шу асосда ер куррасидаги барча давлатлар ва халқларнинг миллий хавфсизлик мезонларини тўлақонли амалга оширишда моҳиятан кўримсиз ва билинмас, бироқ қўлланганда минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига зомин бўлиши мумкин бўлган оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши ва биотерроризмга қарши кураш замонамизнинг энг муҳим масалалардандир.

Биологик куроллар тарқалишига қарши кураш ва биологик хавфсизликни таъминлашга доир биринчи ҳалқаро ҳукуқий асос 1971 йил 16 декабрда БМТ Бош ассамблеясининг маҳсус резолюцияси билан тасдиқланган «Биологик ва токсик куроллар яратиш, ишлаб чиқариш ва захираларини ташкил этишга қарши кураш ва уларни йўқ қилишга доир конвенция»<sup>1</sup> ҳисобланади. Бироқ, мазкур хужжатда биологик ва токсик куроллар терминига алоҳида таъриф берилмаган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг амалий қўлланмаларига кўра эса биологик хавфсизлик – патоген ва токсик воситаларининг тўсатдан юзага чиқишида, уларнинг тарқалишининг олдини олишда қўлланадиган таомиллар, технологиялар ва усууллар йиғиндисидир.

Технологиялар ривожи, ген муҳандислиги, янги турдаги биотехнологияларнинг яратилиши охиригина йигирма беш-үтказиз тиз йилда олимлар, сиёсатчиларнинг биологик хавфсизликка таҳдид солувчи янгича биоқуроллар яратиш ҳақидаги қарашларини ўзгартириди. Фан ютуқларидан ўзларининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланувчи шахслар эса бундай имкониятдан фойдаланган ҳолда ўз режаларини амалга оширилар.

XX асрнинг ўзида биологик хавфли воситалардан ноқонуний фойдаланишга доир юздан ортиқ жиноят қайд этилган,

биологик куролга патоген (касаллик қўзгатувчи) микроборганизмлар, уларнинг ҳаётый фаолияти учун зарур маҳсулотлар (токсинлар), касаллик юқтирилган ҳайвонлар ва бундай касалликларни етказиш воситалари киради. Ҳозир уларнинг энг кенг тарқалган турлари сирасига бактериялар, вируслар, токсинлар ва замбурутгларни киритиш мумкин.

Шу ўринда биологик куроллар тарқалишининг антитеррористик хавфсизлигини таъминлаш ва биотерроризм

таҳдидларига қарши курашда самарали фаолият юритаётган олим ва экспертларларнинг айрим мулоҳазаларини келтириш ўринлидир.

Хусусан, россиялик мутахасисларнинг фикрига кўра, биологик хавфсизлик аҳолининг (шахс, жамият, давлат) биологик хавфли факторлар (ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий, геополитик инфраструктура, экологик тизим) тўғридан-тўғри ёки эгри (бильвосита, бумеранг) таъсиридан ҳимояланганларни дараражаси<sup>2</sup> ҳисобланади.



унинг 20 дан ортиғи террористик акт сифатида баҳоланган.

Айнан биологик куроллар оммавий қирғин куроллари ичida энг хавфлиси. Мазкур турдаги куроллар натижаси кимёвий ва ядрорий куроллар талоғати билан тенг бўлиб, қўлланишда жиноятчилар учун бир қатор «афзаллик»ларга ҳам эга. Чунки биологик куроллар катта армия, қимматбаҳо ҳарбий техникини талаб қилмайди. Ҳаттоқи, унча ривожланманган мамлакатлarda ҳам ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлиги сабабли шаҳарларни, ишлаб чиқариш ва маданият объектларини вайрон қил-

масдан ҳам кўплаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

Бугунги кунда биотехнологияларнинг ривожи, биоий-фотувчиларга эга бўлиш имкониятнинг кенглиги ва чегаралардан осон ўтказилиши мумкинлиги айнан биотерроризм таҳдидларининг ошишига олиб келмоқда. Шунингдек, БМТнинг «Биологик ва токсик куроллар яратиш, ишлаб чиқариш ва захираларини ташкил этишга қарши кураш ва уларни йўқ қилишга доир» конвенциясига амал қилишда «ҳалқаро ҳукуқий назорат» ҳамда биотерроризм таҳдидларига қар-

<sup>1</sup> The Convention on the Prohibition of the Development, Production and Stockpiling of Bacteriological (Biological) and Toxin Weapons and on their Destruction // [https://undocs.org/en/A/RES/2826\(XXVI\)](https://undocs.org/en/A/RES/2826(XXVI))

<sup>2</sup> G.G. Onishchenko and others // Topical issues of Biological safety under Current conditions. Conceptual, Terminological and definitive framework of Biological Safety. Вестник ПАМХ. 2013. №11 P.5.



ши курашда «халқаро ҳамкорлик механизми»нинг мавжуд эмаслиги биотерроризм муаммоси ва унинг намёён бўлиш шакллари ва олдини олиш чораларининг самара сезилигига олиб келмоқда.

Таъкидлаш керак, ҳозир жаҳонда биотерроризм факторининг аниқ ҳолатлари қайд этилганига қарамай, «биотерроризм» терминига нисбатан халқаро-хуқуқий таъриф мав-

жуғ эмас. Гарб изланувчилари мазкур терминга нисбатан қуидагича изоҳ беришади: «Биотерроризм терроризмнинг бир тури сифатида биологик қуроллардан ноқонуний фойдаланишда намёён бўлади; бу инсоният, қишлоқ ҳўжалиги, ўсимлик ва экологик ресурсларга зарар етказиш ва (ёки) қириб ташлаш мақсадида биологик агент ва токсингилардан яширинча фойдаланишdir».

Терроризмнинг бошқа турлари каби биотерроризм ҳокимият учун кураш ва иқтисадий таъсири каби сиёсий мақсадларда жамиятда оммавий тўполон уюстириши кўзлайди. Бунинг учун касаллини чақиравчи ва одамларнинг ўлимига сабабчи бўлувчи биологик агентлар, хусусан бактерия, вирус, алоҳида хавфли инфекциялардан фойдаланилади.



Эътибор қаратсак, шу пайтгача биологик хавфсизликка таҳдид солувчи кўплаб вирус ҳамда токсингилар аниқланган. Жумладан, ушбу рўйхатга ўлатдан тортиб сибир яраси (anthrax), эбола каби биологик қуролларни киритиш мумкин.

Россияда инсониятга қарши биотеррористик актларда қўлланган «канъанавий» биопатогенлар рўйхати 1988 йилда белгиланган бўлиб, (Америкадаги ҳолатдан сўнг) 2001 йилда қайта янгиланган қўйидаги агентлардан иборат:

- вирус табиатли қўзғатувчилар;
- риккетциоз табиатли қўзғатувчилар;
- бактериал табиатли қўзғатувчилар;
- ўсимлик ва ҳайвондан келиб чиқувчи токсингилар.



Монтерей институти (Monterrey Institute of International Studies) 1990 йилдан бошлаб террористлар ва оммавий қирғын куроллари жиноятчилари томонидан фойдаланилган ҳолатлар түгрисида маълумотлар базасини яратди. Тадқиқот натижалари га кўра, 1900 йилдан то 1990 йилнинг январига қадар оммавий қирғын куроли ўйлланган 415 та ҳолат аниқланган; 1900 йилдан 2001 йил ўрталаригача эса 262 та биологик агентларни ўйлаш кузатилган. Улардан 157 таси ёки қарийб 60 фоизи терроризм сифатида, 105 таси ёки 40 фоизи сиёсий мақсадларни инкор этувчи жиноят сифатида баҳоланган<sup>3</sup>.

Яна шуни қайд этиш керакки, биотеррористик ҳужум биринчи босқичларда инфекцион касалликнинг эпидемияси сифатида хато баҳоланиши ва кўплаб тирик организмларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Чунки биологик куролда севкин тарқалиш эффиқти мавжуд бўлади. Шунингдек, биологик агентлар инкубацион (яширин) даврга эга бўлиб, вирус ташувчи бу даврда билмасдан бошча ҳудудларга кетиши ва оммавий тарқалишини кенгайтириши мумкин. Шунинг учун ҳам биотеррористик ҳужумни аниқлаш учун узоқ вақтли ва ҳар томонлама эпидемиологик таҳдил зарур бўлади. Бундан ташқари, шуни инобатга олиш

керакки, кимёвий куроллардан фарқли равишда биологик куроллар унчалик ўрганилмаган ва қарши кураш механизми ҳам ишлаб чиқилмаган.

Замонамизнинг шиiddат билан ривожланиши, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашви қонун ҳужжатларини мунтазам такомиллаштириш, янги ҳуқуқ нормаларини яратиш заруриятини вужудга келтиради. Шу асосда терроризмнинг олдини олиш, биотерроризм таҳдидларига қарши курашища миллий қонунчиликни янги ҳуқуқ нормалари билан тўлдириш ҳамда мавжудларига ўзгартиш ва ўйшимчаларни киритиш лозим.

### **Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш түгрисида»ги қонунига қўйидаги ўзгартириш ва ўйшимчаларни киритиш лозим:**

**Биринчидан,** 31 моддадан иборат мазкур қонун терроризмга қарши кураш соҳасида барча муносабатларни қамраб олмайди. Хусусан, биотерроризм билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда алоҳида қайд этилмаган.


**Иккинчидан,** қонуннинг 2-моддасидаги асосий тушунчалар доирасида «биотерроризм», «биологик қурол» тушунчаларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкаш лозим деб ҳисоблаймиз.

**Учинчидан,** биологик қуроллар тарқалишининг олдини олувчи ва биотерроризм таҳдидларига қарши курашувчи агентлик ёки 8-моддада қайд этилган давлат органларидан бирининг тизимида маҳсус бўлим ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм ҳар доим диний ва инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий фазилатларга қарши қаратилгани учун энг оғир ва ваҳший жиноят ҳисобланади.

**Ф. ЗАЙНОБИДДИНОВА,  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети докторанти**

<sup>3</sup> Plowright R.K., Eby P., Hudson P.J., Smith I.L., Westcott D., Bryden W.L., Middleton D., Martin J., Tabor J.M. Ecological Dynamics of Emerging Bat virus // https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC4262174.



# Коррупциявий хавф-хатар

уни аниқлаш ва баҳолашнинг  
қиёсий-ҳуқуқий таҳлили

Ҳозирги глобаллашув ва интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган мураккаб шароитда коррупция барча мамлакатлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Халқаро валюта жамғармаси (International Monetary Fund) маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли ҳар йили 2,6 триллион долларгача зарар кўради.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилда парламенттага қылган мурожаатида коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра унинг олдини олиш зарурлигини таъкидлаб, коррупцияга қарши курашишга доир давлат сиёсатини амалга оширадиган ва мувофиқлаштирадиган, бу борада куч ва воситаларга эга алоҳида орган тузишни тақлиф қылган эди.

Президент Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда вазирлик, компания, ҳокимликларда ички коррупцияга қарши чораларни ишлаб чиқувчи ҳамда амалга оширувчи «**комплаенс назорат**» тизимини жорий этиши вазифасини кўйди. Хорижий эксперталарнижалб қылган ҳолда, давлат хизматчиларининг мол-мулки ва даромадини декларация қилиш тизимининг ташкилий-хукуқий асосларини ишлаб чиқиб, амалиётга киритиш шартлиги таъкидланди.

**Антикоррупцион комплаенс назорат** — давлат бошқарув органлари, ташкилот ва мусассалар ҳамда хўжалик бошқарув органларида коррупцияга қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинма тузиш ёки коррупцияга қарши курашга масъул ходимни тайинлаш; «Одоб-ахлоқ қоидлари» ва «Коррупцияга қарши кураши сиёсати»ни тасдиқлаш ҳамда бу процедура учун зарур ички идоравий ҳужжатларни қабул қилиш; коррупцияга қарши кураш тадбирларини амалга оширишда ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилишни ўз ичига олади. Антикоррупцион комплаенс назорат тизимидан мақсад давлат хизматчилари ва компания ходимларининг коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этишининг олдини олишdir.

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда соҳага доир норматив-хукуқий ҳужжатларда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторинг ўтказиш ҳамда мавжуд ташкилий-амалий ва ҳукуқий механизмлар самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиши назарда тутилган. Шунингдек, Президентнинг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қар-

ши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 5729-фармонига мувофиқ давлат хизматчилари зиммасига юклangan вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини мажбурий баҳолаб боришни жорий этиш белгиланган.

**Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** — давлат бошқарув органлари, ташкилот, мусассаса ҳамда хўжалик бошқарув органларининг функция ва ваколатларини таҳлил қилиш, уларга хос коррупциявий хавф-хатарлар даражасини аниқлаш, шунингдек, ходимларнинг зиммасига юклangan вазифаларни амалга оширишига дахл этувчи субъектив талаб ва чекловлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви таъсирини услубиёт асосида баҳолашни англатади.

**Манфаатлар тўқнашуви** — шахсий манфаатдорлик ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаршига таъсир кўрсатётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, шахсий манфаатдорлик билан давлат органининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўтасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Шунингдек, Президентнинг «Бюрократик тўсикларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 9 декабрдаги 4546-қарори ҳамда 2019 йил 3 октябрдаги 5843-фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ давлат хизматчиларида коррупцияга қарши маданиятни ва коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш белгиланган.

Давлат бошқарувида амалга оширилаётган коррупцияяга қарши курашишга доир чора-тадбирлардан давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқич-ма-босқич жорий этиш, коррупция билан боғлиқ хукукбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишинг самарали ташкилий-хукуқий механизмларини жорий этиш, жамиятда коррупцияяга нисбатан муросасиз муно-

сабатни кучайтириш, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияяга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишида ва ижросин мониторинг қилишида иштирок этишга жалб қилиш кабилар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, давлат бошқарув органлари ходимлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини жорий этиш бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

**2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб давлат органлари давлат хизматчила-ри зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳо-лаб боради, унинг якунлари бўйича:**

- а** | коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчилари-нинг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функция-лари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;
- б** | идоравий коррупцияяга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чо-раклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатар-ларни минимум даражага тушириш чораларини кўради; ҳар йилги идо-равий коррупцияяга қарши курашиш дастурларини тасдиқлади.

### ҚОНУНЧИЛИККА ТАКЛИФ:

Миллий қонунчилигимизда коррупцияяга қарши курашишга йўналтирилган нормалар мустаҳкамланган. Ҳусусан, Жиноят кодексида пора олиш (210-модда) ёки бериш (211-модда), унга воситачилик қилиш (212-модда), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда), мансаб соҳтакорлиги (209-модда) каби жиноятлар учун жинойи жавобгарлик белгиланган. Шу ўринда Жиноят кодексининг 210 ва 211-моддаларида назарда тутилган пора олиш ва бериш жиноятлари диспозициясига «давлат хизматчилари» тушунчаси киритилиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш, пора олиш ва беришнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, берилган ёки олинган по-ранинг миқдори ёхуд ётказилган зарар миқдорига қараб муқобил жазо чораларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Коррупцияга қарши курашишдаги энг асосий йүл – давлат органлари фаолиятининг очиқ ва шаффоғлигини таъминлашдан иборат. Бунда ишга қабул қилиш, давлат харидлари, рухсатнома ва лицензиялар бериш каби жараёнларда очиқ-ошкораликни таъминлашга кучли эътибор қаратиш лозим. Шу боис коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомилаштиришга оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бутунги кунда давлат бошқарув органлари (23 та вазирлик, 11 та давлат кўмитаси, 33 та агентлик, 5 кўмита, 5 та марказ, 15 инспекция) тизимларида идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ишлаб чиқилиб, давлат хизматчиларига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини баҳолаб бориши тартиби жорий қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасида анча фаол бўлиб, тизимда коррупцияни бартараф этиш юзасидан ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмлар жорий этилган. Ҳусусан, Адлия вазирининг 2020 йил 22 январдаги 14-ум-бўйругига мувофиқ вазирлик марказий тузилмасида Коррупцияга қарши кураш бўлими ташкил қилинди, 2020 йил 24 февралдағи 42-ум-бўйругига мувофиқ Адлия вазирлиги-

нинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати тасдиқланди, 44-ум-бўйруги билан адлия тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисидаги қоидалар белгиланди. Шунингдек, Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 45-ум-бўйругига мувофиқ тизимдаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти ҳамда давлат хизматчилиси этикасида коррупцияга тоқатсизликни шакллантириш мақсадида «Коррупцияга қарши кураш менежменти тизимлари – фойдаланиш бўйича халқаро талаблар ва тавсиялар» халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда тизим ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича масофадан ўқитиш ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмлар самарадорлигини ошириш учун ваколатли орган томонидан ўтказиладиган мониторинг асосида бериладиган якунний ҳулоса мажбурий тусга эга бўлишини маҳсус қонун ҳужжати билан белгилаб кўйиш зарур. Бунинг учун эса хорижий мамлакатлардаги коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган томонидан давлат органларидағи антикоррупция тадбирларининг ўтказилиши ҳамда мониторинг натижаларини баҳолаш услубиётини республикамида ҳам жорий этиш лозим.

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аксарият мамлакатлarda коррупция хавфини баҳолаш ваколатли органлар томонидан турли методлар асосида амалга оширилади.

Ҳусусан, **Нидерландия қироллигига** давлат хизматчилари фаолиятида коррупция хавфи-

ни баҳолашнинг «*Self-Assessment Integrity*» ёки «*SAINT*» деб номланган методологияси мавжуд. Инглиз ҳуқуқи тамойилларида асосланган мазкур методология босқичли баҳолаш ассесментларидан иборатdir.

## МАЪЛУМОТ УЧУН:

Transparency International ташкилоти эълон қилган 2019 йилдаги ҳисоботга кўра, Коррупция хавфини бартараф этиш индекси бўйича Нидерландия дунёнинг 180 мамлакати орасида 8-ўринда (<https://www.transparency.org>).

**«SAINT» босқичлари:**

**1-босқич** — асессмент иштирокчилари баҳоланаётган ташкилотнинг асосий ва факультатив функцияларини инвентаризация қилиш асосида коррупция нұқтаи назаридан энг заиф жараёнларни танлайдилар;

**2-босқич** — давлат хизматчиларининг функциясини амалга оширишларига доир муносабатларда «Этика кодекси» қоидаларининг таъминланишидаги энг жиiddий коррупцияйи хавфлар баҳоланади;

**3-босқич** — ташкилотдаги антикоррупцион тизим самарадорлиги ва адекватлиги баҳоланади;

**4-босқич** — асессмент иштирокчилари баҳолаш натижаларига кўра энг заиф томонлар ҳимоясини кучайтириш учун қўлланадиган чора-тадбирлар харитасини тузадилар.

Давлат органлари билан бирга Нидерландия миллий омбудсмани, Ҳисоб палатаси каби ташкилотлар ҳам «SAINT» методологиясидан унумли фойдаланадилар.

Амстердамдаги **Bureau of Integrity** (Одоб-ахлоқ бюроси) 2012 йилда коррупция хавфини баҳолашнинг **Integriteitindex** деб номланган методологиясини ишлаб чиқди. Бу методология беш босқичдан иборат бўлиб, ўз таркибига турли методларни – тест, аноним сўров ва турли асессментларни қамраб олади. **Integriteitindex** методологияси орқали ташкилотлар антикоррупцион тадбирларини беш босқичда баҳолаб, якуний кўрсаткичда ўз позицияларини аниқлаш ҳамда самарадорликни ошириш бўйича лойиҳалар танловини ўтказиш имконини беради. Одоб-ахлоқ бюроси ҳисботига кўра, давлат органларида мазкур методологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилган антикоррупцион тадбирларни баҳолаш нодавлат ташкилотлар томонидан ўт-

казилсагина уларнинг адекватлиги янада ошади.

**Венгрияда** 2012 йилда «Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиб дастури» қабул қилинган. Унда сўровлар ўтказиш, кузатиш, мониторинг, тренинглар ва ўкув семинарлари ташкил этиш каби методлардан фойдаланган ҳолда коррупцияяга қарши янги механизмларни жорий этиш ва коррупцияга кўпроқ мойил бўлган давлат органлари функцияларини децентрализация ҳамда рақамлаштириш орқали ислоҳ қилиш назарда тутилган. Венгрияда баҳолаш методологиясидан фойдаланишининг асосий янгиликларидан бири бу ҳукумат томонидан мунтазам равиша фаолияти хавф остида бўлган соҳаларда мониторинг ўтказиб борилишидир.

**EUROSAI**нинг Венгрияда коррупция хавфини баҳолаш натижалари бўйича тайёрланган ҳисботида Венгрия аудиторлик идораси фаолиятига баҳо берилган бўлиб, унда давлат сектори бир қатор функцияларни бажаришда шаффоффик ва ҳисбодорликни ошириши зарурлиги таъкидланган. Коррупцияяга қарши курашибга комплекс ёндашувнинг таркибий қисми сифатида хавфи бартараф этиш тадбирлари самарадорлигини баҳоловчи методларга алоҳида эътибор берилган. Ҳисботдаги яна бир муҳим жиҳат шундаки, унда давлат бошқарувида коррупция хавфи харитасини (**Integrity Risk Map**) жорий этиш ҳамда шу харита бўйича хавфи бартараф этиш чораларини кўриш белгиланган.



**Корея Республикасида** давлат бошқарув органларидаги коррупцияга қарши кураш тадбирлари самарадорлигини баҳолаш модели 1999 йилда ишлаб чиқылған бўлиб, кейинчалик бир неча бор такомиллаштирилган. Унинг мақсадла-ри куйидагилардан иборат:

- давлат секторида коррупцияга мойил бўлган соҳаларни ва коррупциянинг асл сабабларини аниқлаш;
- давлат ташкилотларидаги коррупция дара-жаси динамикасини ўрганиш;
- давлат органларини коррупцияга қарши кўнгилли тадбирларда қатнашишга рағбатлантириш;
- коррупцияга қарши миллий стратегияни ишлаб чиқиш учун маълумотлар тақдим этиш.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан давлат бошқарув органлари фаолиятида юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарни баҳолаш ҳамда ваколатли орган томонидан антикоррупцион мониторинг самарадорлигини баҳолаш турли методологиялар асосида амалга оширилишини кўриш мумкин. Бу жараёнда, асосийси, фуқаро-лик жамияти институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг фаол иштироқи таъминланган. Бу баҳолаш методларини кўллашнинг адекватлигини оширишга хизмат қиласди.

Мамлакатимиз коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд ҳолатлар, коррупция хавфи-нинг иқтисодиёт, тадбиркорлик фаолияти, инвестицион муҳит, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсирини баҳолаш тартиби юзасидан **куйидаги тавсияларни иллари сурамиз**:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолашнинг инсти-туционал тузилмасини ташкил қилган ҳолда, унинг асосий фаолият йўналишлари, вазифа ва функцияларини белгилаш;

- давлат бошқарув органлари ташкилий тузилмаси, функцияларидаги ўзгаришлар, ички ва ташкил омилларнинг коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини таҳлил қилиш,

Баҳолаш модели давлат хизматчилари, давлат хизматларидан фойдаланувчилар, ички мижозлар ва стратегия эксперлари ўт-казилган сўров натижаларига асосланади. Хукумат ҳузуридаги Коррупцияга қарши кураш комиссияси баҳолаш учун дастлабки маълумотларни тўплайди, баҳолашни ўтказади ва рейтинг натижаларини эълон қиласди. Баҳолаш жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрса-туччи коррупцияга мойил бўлган соҳаларни ҳам қамраб олади. Коррупцияга қарши кураш комиссияси давлат ташкилотларидаги антикоррупцион тадбирлар самарадорлиги бўйича ўзаро рағбатлашишни рағбатлантириш билан юқори кўрсаткичга эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

шунингдек, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

- идоравий антикоррупцион комплаенс назорат самарадорлигини давлат хизматчилари ва компания ходимларининг коррупцияга қарши курашишга оид талабларни бузганликлари учун ўтказилган хизмат текширув-лари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий, маъмурӣ ёки жиноий жавобгарликка тортилганига оид маълумотларга асосланиб белгилаш;

- коррупцияга қарши курашиш тизими-нинг ишончлилигини ҳамда баҳолаш жараё-ни шаффофлигини таъминлаш мақсадида бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларни ҳам жалб этиш;

- мониторинг ўтказиб бориш орқали давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилишини назорат қилиш;

- мониторинг натижалари асосида юқори кўрсаткичга эга соҳалар ходимларини рағбатлантириб бориш тартибини жорий этиш.

**Дилдора АНВАРОВА,**

Адлия вазириллиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими



# Ходимнинг ташаббусига кўра мехнат шартномасини бекор қилиш



Мехнат муносабатлари юзага келиши, ўзгариши, бекор бўлиши ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятга эга. Ўзбекистон меҳнат қонунчилигининг қай даражада қўлланяётганини аниqlаш, ундаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш талаб этилади. Мехнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ўзига хос ўринга эга. Бу ҳуқуқий институт МДҲ мамлакатларида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги билан меҳнат муносабатларини шартномавий тартибга солишнинг Европача моделидан ажralиб туради.

МДХ мамлакатларида меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик таҳлилини Ж.Дорохина, К.Томашевский, Л.Санникова, Л.Чиканова ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Гарбий Европа давлатларининг кўпчилигидан фарқли

равишда МДХ мамлакатларида меҳнат қонунчилиги кодификациялаштирилган. Уларнинг ақсариятида (Ўзбекистон, Россия, Беларус, Қозогистон, Тожикистан, Қирғизистон ва Латвия) меҳнат муносабатлари Меҳнат кодекси билан тартибга солинади ва уларнинг меҳнат шарт-

номасининг ҳуқуқий аҳамиятини белгилаб берувчи нормалари бир-бирига ўхшашидир.

Айнан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи энг катта муаммолардан бири бўлиб, у ходимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини таъминлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

### Гарб давлатларининг меҳнат ҳуқуқида меҳнат шартномасини бекор қилиш учун қўйидагилар асос бўлиши мумкин:

- 1) ходимнинг ёки иш берувчининг ўлими;
- 2) тарафларнинг келишуви;
- 3) тарафлардан бирининг ташаббуси (биртомонлама акт);
- 4) ташкилотнинг тугатилиши;
- 5) шартнома муддати тугаши, шартномада белгиланган ишнинг якунланиши;
- 6) фавқулодда ва кутилмаган ҳолатлар (форс-мажор).

Бу борада Буюк Британия ва Германия каби давлатларнинг меҳнат қонунчилигига ходимлар бошқа давлатлардагидан кўра кўпроқ ҳимояланган.

Хорижий адабиётларда томонларнинг келишуви бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш шартномавий ҳуқуққа асосланган. Ушбу асосга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишини инкор қилмаган ҳолда дунё олимлари томонлар келишувга эришишида қийинчиликлар юзага келишини таъкидлашади<sup>2</sup>.

Авваламбор, бу иш берувчи ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда ходимни меҳнат муноса-

батларини ўз ташаббуси билан ёки томонлар келишуви билан бекор қилишга мажбурлаши мумкинлигига намоён бўлади. Бу ўз навбатида иш берувчига меҳнат шартномаси бекор қилинаётган ходимга қонунда белгиланган товон пулини тўламаслик имконини беради.

Меҳнат ҳуқуқининг ҳозирги ривожланиш босқичида «ўзининг меҳнат қилиш имкониятидан мустақил фойдаланиш» умумэтироф этилган принципига асосланган ҳолда ходимнинг ўз ташабbusiga кўра меҳнат шартномасини бекор қилишининг қонунийлигига шубҳаланишга ўрин қолмаган.

Ваҳоланки, XIX асрда ходим томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш ноқонуний ҳисобланиб, жиноий жавобгарликни келтириб чиқарган<sup>3</sup>.

Хорижий давлатлар қонунчилигига кўра ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида иш берувчини маълум вақт олдин огоҳлантириб қўйиши ҳамда агар шартнома муддати ҳали тутамаган бўлса шартномани бекор қилишининг жиддий сабабларини изоҳлаб бериши шарт. Ушбу шартга риоя қилмаслик иш берувчи ходимдан товон пули тўлашни талаб қилишига асос бўлади.

<sup>1</sup>Дорохина Ж. Трудовой договор по законодательству Российской Федерации и отдельных государств-участников СНГ: на примере Республики Беларусь и Республики Казахстан: дис. ... канд. юр. наук. – М., 2009.

<sup>2</sup> Санникова Л. Договор найма труда в России. / Л.Санникова. – М.: МТ-Пресс, 1999.

<sup>3</sup> Чиканова Л. Трудовой договор //Л.Чиканова //Трудовое право. – 2004. – № 4-5.

Бундан ташқари, ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида иш берувчи чини оғзаки ёки ёзма равишда огоҳлантиришга ҳақли. Хусусан, Францияда меҳнат шартномаси иқтисодий ёки шахсий сабаблар билан ўзгарилиши мумкин. Иқтисодий сабаблар қаторига ходимлар штатининг қисқартирилиши киради. Бунда огоҳлантириш муддати 1 ой бўлиб, агар суд қарори билан ташкилот қайта ташкил қилинаётган бўлса 15 кун олдин огоҳлантирилиши мумкинлиги белгиланган<sup>4</sup>.



Франциянинг 2016 йил 1 январдан кучга кирган Меҳнат кодексида «меҳнат шартномаси» тушунчасига таъриф берилмаган, лекин 1954 йилдаёк мазкур тушунчага Франция кассацион суди томонидан расмий таъриф берилган. Унга кўра меҳнат шартномаси (*contrat de travail*) – бир тараф иккинчи та-

рафга, унга бўйсунган ҳолда, маълум бир мукофот эвазига иш бажариш учун ёлланадиган шартномадир<sup>5</sup>.

Германияда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар меҳнат ва бандлик ҳукуки асосида тартибга солинади. Мамлакатда меҳнат шартномасини тузиш жараённида ёзма шаклга риоя қилиш мажбурий эмас, яъни оғзаки меҳнат келишувлари ҳам юридик кучга эга ҳисобланади. Меҳнат муносабатларининг бекор қилиниши аввалдан огоҳлантириш орқали (*ordentliche Kuendigung*) ва огоҳлантиришиз (*ausserordentliche Kuendigung*) турларига бўлинади<sup>6</sup>.

Германияда ишдан бўшаш биртомонлама меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ариза орқали амалга оширилади. Аризада иш берувчига аниқ мақсад ва муддат кўрса-

тилиши керак. Ушбу муддат ходим учун узайтирилиши ҳам мумкин. Агар қандайдир жиддий сабаб бўлса, ходим огоҳлантиришсиз ҳам ишдан бўшани мумкин. Ойликни вақтида тўламаслик ёки жинсий тажовуз ва ҳоказолар жиддий сабаб деб эътироф этилади<sup>7</sup>.

Германияда иш берувчи ходимни ҳомиладорлик пайтида ва туғруқдан кейинги тўрт ойгача бўлган муддат ичидаги ваколатли давлат органларининг олдиндан розилигини олмаган ҳолда ишдан бўшатиши ноқонуний ҳисобланади<sup>8</sup>.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида минимал огоҳлантириш муддати Буюк Британия ва Японияда аниқ белгиланган. Лекин Буюк Британияда огоҳлантиришнинг минимал муддати белгиланганда ходимнинг мазкур иш



<sup>4</sup> Stephan Hardly, Mark Butler. European Employment Laws: A comparative guide (3rd edition). Great Britain, Ltd by: Short Run Press, 2016. – P.133.


<sup>5</sup> Treu T. Labour Law in Italy. Alphen aan Den Rijn, 2011. P.110.

<sup>6</sup> Jacobs A. Labour and the Law in Europe. Nijmegen, 2011. P.92

<sup>7</sup> Филиппова И. Особенности правового регулирования труда по законодательству России и Франции. Сравнительно-правовое исследование. Монография. – М., 2016. – С.12.

<sup>8</sup> Филиппова И. Особенности правового регулирования труда по законодательству России и Франции. Сравнительно-правовое исследование. Монография. – М., 2016. – С.8.

берувчида ишлаш давомийлиги ҳисобга олинади (continuous employment). Хусусан, «Мехнат ҳукуқлари тўғрисида»ги қонуннинг 86-моддасига кўра агар ходимнинг узлуксиз иш муддати бир ой ва ундан ортиқ бўлса, у бир ҳафтадан кечикмаган муддатда меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт (агар меҳнат шартномасида бошқа муддат белгиланмаган бўлса)<sup>9</sup>. Шунингдек иш стажи бир ойдан кам бўлган ҳолатларда ходим иш берувчини оқилона бир муддат (reasonable notice) давомида огоҳлантириши шарт.



**Япониянинг** Фуқаролик кодексига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида ходим иш берувчини икки ҳафта олдин огоҳлантириши керак, минимал муддат стажга қараб белгиланмайди ва бу қоида барча ходимларга тааллуқли. Ушбу қоида бўйича иш берувчилар ходимларни



ишдан бўшатиш эркинлигига эга, ўз навбатида ходимлар ҳам истеъфога чиқиш ҳукуқига эга. Меҳнат стандартлари қонунида ишдан бўшатиш бўйича аниқ чекловлар белгиланган<sup>10</sup>.

К.Лукассен ва С.Шутер, М.Шул, М.Ванг фикрларига кўра **Швейцария** Европанинг бошқа давлатлари билан солиштирганда меҳнат бозорини тартибга солища максимал даражада либерал ҳисобланади ва давлат даражасида меҳнат шартномасини тартибида солиш бўйича нормалар қабул қилган<sup>11</sup>.

**Буюк Британия**да огоҳлантиришни товон пули билан алмаштириш амалиёти мавжуд эмас. Лекин шахсий тартибга солиш даражасида бундай амалиётни қўллаш ноқонуний ҳисобланмайди. Шундан келиб чиқиб ҳулоса

қиладиган бўлсак, айнан Буюк Британияда меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби максимал либерал характерга эга бўлгани сабабли хорижий иш берувчилар учун ушбу давлат инвестицион жозибадор бўлиб кўринади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлилидан шундай ҳулоса қилса бўладики, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши, ходимнинг ҳукуқлари ҳимоя қилинганлиги ва кафолатланганлиги даражаси мазкур давлатнинг хорижий инвесторларни, ишчи кучини жалб қилишга қанчалик қизиқишига, бу борада юритаётган сиёсатига тўғридан-тўғри боғлиқидир.

**Дилфузза АБДУЛЛАЕВА,**  
ТДЮУ ихтисослаштирилган филиали  
давлат-ҳукуқий фанлар кафедраси  
Ўқитувчиси

<sup>9</sup> Employment law overview Germany 2019–2020 Pusch Wahlig Workplace Law /Proud Member of L&E Global. P.18. [https://knowledge.leglobal.org/wp-content/uploads/sites/2/LEGGlobal\\_Memo\\_Germany.pdf](https://knowledge.leglobal.org/wp-content/uploads/sites/2/LEGGlobal_Memo_Germany.pdf)

<sup>10</sup> «Трудовое право: опыт сравнительного правового исследования: Монография. (Лебедев В., Мельникова В., Назметдинов Р. Норма, Инфра-М, 2018. С.294.

<sup>11</sup> Rakhimov M. Comparative overview of ways to protect workers' labor rights in Uzbekistan, Germany and the United States of America. Демократизация ва инсон ҳукуқлари. 4 (75) - 2017. 59-6.



Бугунги глобаллашув шароитида бир қатор ривожланган давлатларнинг жиноят процессида янги институтлар шаклланаётгани ва оммалашиб бораётганини кўриш мумкин. Улардан бири жиноят процессида ҳамкорлик (келишув) ёки жиноят ишини суддан ташқари тартибда ҳал этиш институтидир. Мазкур институт хорижий олимлар ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.



# Жиноят ишини кўриб чиқишда замонавий механизмларнинг аҳамияти

Мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги 3723-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириши концепциясида жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этиш, шу жумладан судга қадар ва суд босқичида соддалаштирилган иш юритиш тартиб-тамоилларини янада ривожлантириш бүйича бир қатор вазифалар қўйилган.

Миллий қонунчилигимизда жиноят ишини юритишида шахснинг ўз қылмишига пушаймон бўлгани, жиноятни фош этишида ҳамкорлик қилгани ҳамда ярашилгани муносабати билан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш назарда тутилган. Бироқ Жиноят кодексида мазкур институтларни кўллаш билан боғлиқ аниқ механизмлар йўқ. Айни пайтда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланмаган, улар билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишида келишув институти мавжуд эмас.

Хорижий давлатларда эса жиноят иши бўйича айбини бўйнига олиш, ҳамкорлик ва келишув институтларининг тобора такомиллашиб бораётганини, уларнинг турли шакллари борлигини кўриш мумкин.

### **Ушбу институтларнинг иккι турини кўриб чиқамиз.**

**Биринчиси** айбини бўйнига олиш ёки икрорлик институти бўлиб, шахс айбини бўйнига олиши эвазига унга енгилроқ ёки бошқа мұқобил жазо чораларини кўллашни назарда тутади. Бунда ҳамкорлик қилиш талаб этилмайди, шахс айбини бўйнига олишининг ўзи етарли хисобланади. Мазкур институт хорижий давлатларда «plea bargain», «guilty plea», «plea agreement» каби турли номлар билан аталади.

Бугунги кунда мазкур институт имкониятидан тобора кенгрок фойдаланилмоқда. Жумладан, АҚШда 1920-йилларда жиноий ишларнинг тахминан ярми айбини бўйнига олиш институти орқали ҳал этилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 95 foизга етган. Бундай тенденция бошқа мамлакатларда ҳам кузатилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам давлат раҳбарининг 2020 йил 2 мартағи 5953-фармони билан тасдиқланган давлат дастурининг 46-бандига мувофиқ жиноят ишини юритишида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи айбина тўлиқ тан олган ва айблаш учун етарли далиллар бўлган ҳолларда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш назарда тутилган.

**Иккинчиси** тарафлар (айбланувчи ва айболов тарафи) ўртасида жиноят ишини келишув битими ёки ҳамкорлик битими тувиш орқали ҳал этиши назарда тутади.

Келишув битими институти айбина бўйнига олишдан фарқ қилиб, асосий мақсад айбина бўйнига олиш эмас, балки ҳамкорлик қилувчи шахс берган маълумотлар асосида бошқа айборларни, шу жумладан юқори мартағали ёки жиноий турух (уюшма) раҳбарларини кўлга олиш, далилларни кўлга киритиш, жиноий активларни қайтариши ҳисобланади.

Келишув битими прокурор ва шахс ўртасида тузишган, суд томонидан тасдиқланадиган расмий ва ихтиёрий келишув бўлиб, унга кўра айrim шартлар эвазига жиноят иши тўхтатиб турилади ёки кейинга қолдирлади.

Бир қатор афзал жиҳатлари борлиги сабабли мазкур институт бутунги кунда халқаро стандартлардан бирига айланяпти. Хусусан, сўнгги беш йилда бир қатор давлатларда – Буюк Британия (2013 йил), Бразилия (2014 йил), Испания (2015 йил), Франция (2016 йил), Аргентина, Сингапур ва Японияда (2018 йил) келишув битими институти жорий этилган.

Келишув институтининг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, келишув битими молиявий жарима, жабрланувчиларга товон тўлаш, хайрия фондларига хайрия қилиш, ноқонуний олинган даромадларни қайтариш, тергов-сурештирув жараённида ҳамкорлик қилиш, тергов-сурештирув харажатларини қоплаб бериш, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланишини тақиқлаш, молиявий хисобот тақдим этиш мажбурияти ва компаниянинг қонунийликка риоя этилиши ёки ички назорат (комплайанс) тизимини йўлга қўйишни ўз ичига олиши мумкин.



Жиноят ишларини келишув орқали ҳал этишда суд ҳокимиятининг иштироки турли давлатда турлича белгиланган. Хусусан, бъязиларида (Буюк Британия, Франция, Япония, АҚШ, Словения, Испания) келишув битими лойиҳаси тасдиқлаш учун судга тақдим этилади. Бошқа давлатларда (Хорватия, Норвегия, Нидерландия, Швейцария) келишув битими судга тақдим этилиши, унинг тасдиқланиши устидан суд назорати ёки суд ҳокимияти иштироки умуман назарда тутилмаган.

Шунингдек, келишув битимлари татбиқ этиладиган шахслар доираси (юридик ёки жисмоний шахслар) ва татбиқ этиладиган қилмишлар (жиноят ишлари) доирасига қараб ҳам фарқ қиласди. Масалан, АҚШда юридик ва жисмоний шахсларга, Буюк Британия, Франция ва Сингапурда фақат юридик шахсларга нисбатан кўлланади.

Келишув ёки ҳамкорлик институти дастлаб АҚШда шаклланиб, кейинчалик бошқа давлатларда ҳам кўллана бошлади. АҚШда «Arthur Andersen» аудиторлик компаниясининг 2003 йилда жиноий жавобгарликка тортилиши натижасида компаниянинг бутунлай қулаши ва 28000 нафар ходимнинг ўз ишидан айрилишига олиб келган ҳолат – «Arthur Andersen эфект»и ушбу институтнинг кенг жорий этилишига турткি бўлди.

**Буюк Британияда** 2013 йилдан иқтисодий жиноятларни фош этишининг самарали воситаси сифатида келишув битими институти жорий қилинди. Унга кўра битимга эришиш учун компаниялар қизгин ҳамкорлик қилиши, олдиндан хабар бериши ва ишончли мълумот тақдим этиши назарда тутилган.

Келишув битимини тузишнинг дастлабки босқичида ёк суд назорати ўрнатилган бўлиб, битим тузиш масаласи кўриб чиқиш учун судга тақдим этилади.

**Францияда** келишув битимини тузишнинг шартларидан бири шуки, содир этилган қилмиш учун жиноий таъқибни амалга оширамасдан келишув битими тузиш жамият манфаатларига мос келиши керак.

**Японияда** келишув битими институти 2018 йилда жорий этилди. Битим тузилгач, тарафлар (прокурор ва айбланувчи) унинг ижросини таъминлашни ўз зиммасига олади. Мазкур битимга кўра айбланувчи прокурор (тергов органи) билан ҳамкорлик қилиши, бунинг эвазига эса прокурор жиноят ишини тўхтатиши, енгилроқ айблов эълон қилиши, суддан енгилроқ жазо беришни сўраши мумкин.

**Канадада** келишув битими бўйича далилларнинг мақбуллигига оид муҳим қоида мавжуд. Унга кўра музокара жараёнида ташкилотнинг тан олиш ва бошқа баёнотидан унга қарши бирор фуқаролик ёки жиноят ишида далил сифатида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

**Сингапурда** 2018 йилда Буюк Британия моделига асосланган келишув институти жорий этилиб, у юридик шахсларга нисбатан коррупция, жиноий даромадларни легаллаштириш ва ўғирланган мулкни қабул қилиш каби жиноятлар учун кўлланади.

**Қозогистон** қонунчилигида жиноят ишини процессуал келишув битими тузиш орқали фош этишининг икки шакли назарда тутилган.

Айини бўйнига олиш бўйича битим ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, ўртача ва оғир жиноятлар бўйича айбланувчи кўйилган айбловни бўйнига олганда амалга оширилади. Мазкур битим учта шарт асосида, яъни гумонланувчи (айбланувчи) тараф процессуал битим тузиш истаги тўғрисида ихтиёрий ҳабар берса ҳамда эълон қилинган айблов ёки далиллар, етказилган зарар ва унинг миқдори тўғрисида баҳслашмаса, ишда жабрланувчи бўлса у процессуал битим тузилишига рози бўлганда тузилади.

Ҳамкорлик тўғрисидаги битим жиноий гурӯҳ содир этган барча тоифадаги жиноят ишлари бўйича, бошқа шахслар содир этган ўта оғир жиноятлар, шунингдек экстремистик ва террористик жиноятларни фош этишда ёрдам берган ҳолларда кўлланади. Ҳамкорлик тўғрисидаги битим суд қарорини ижро этиш босқичида ҳам тузилиши мумкин.




## Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қўйидагилар таклиф қилинади:

**Биринчидан** шахс айбини тўлиқ тан олган ва айблаш учун етарли далиллар бўлган ҳолларда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан** жиноят қонунчилигига шахснинг жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг иштирокчиларини аниқлаш, жиноят иши бўйича далилларни мустаҳкамлаш, жиноий даромадларни аниқлаш ва уларни қайтаришга кўмаклашиш ёхуд жиноят иши бўйича бошқа зарур ахборотни тақдим этиши юзасидан ҳамкорлик институтини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан** миллий қонунчилигимизда юридик шахслар билан боғлиқ, шу жумладан бир неча чет давлатни қамраб олган жиноят ишларини кўриб чиқишда келишув институтини киритиш мақсадга мувофиқ.



Келишув институтини жорий этиш бошқа бир қатор институтларни (юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, юридик шахсларда ички назорат (комплаянс) тизими, ҳукуқбузарлик ҳақида ихтиёрий хабар бериш, ҳамкорлик қилувчи ва хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш ти-

зими) ҳам жорий этиш ёки такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда мазкур институтларнинг босқичма-босқич жорий этилиши жиноят процессини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

**Бобир ТУРДИЕВ,**

Бош прокуратура академияси катта ўқитувчиси



# Халқаро тијорат арбитражлари

фаолиятини ташкил этишнинг айрим масалалари

Низоларни халқаро тијорат арбитраж судларида кўриб чиқишда, энг аввало, билими, касбий маҳорати ва тажрибали мутахассис сифатида ўзини кўрсатган шахсларнинг арбитр (ҳакам) этиб тайинлашига асосий эътибор қаратилади. Арбитрларни танлаш низолашувчи ҳар иккала тарафнинг хоҳиши, эрки ва иродасига боғлиқ.



Танланган арбитрлар низога қонуний ечим топышда адолатлы қарор қабул қылуучи, бутун жараён давомида ҳеч қандай эхтироста берилмай, фақат қонун доирасида процессуал ҳаракатларни амалга ошируучи мастьул мансабдор шахс-лигини түлө намоён қиласы. Айнан шу жиҳатлар халқаро тижорат арбитраж судларининг нуфузини белгилөвчи омил ҳисобланади.

Институционал арбитражлар таркиби халқаро тижорат арбитраж судлари рўйхатига кирилган ва тегишли тартибда тасдиқланган шахслар орасидан танлаш йўли билан шакллантирилади.

Институционал арбитражлар таркибига кирилган номзод арбитрлик вазифасини зинмасига олар экан, энг аввало, Халқаро тижорат арбитражига таржими ҳоли, меҳнат фаолиятига оид маълумотларни тақдим қиласи.

Баъзи ҳолатларда манфаатдор томонлар арбитрларни танлашни осонлаштириш, шаклланнаётган арбитраж судлари таркибига таклиф киритиш мақсадида Халқаро тижорат арбитраж котибияти орқали рўйхатга киритилганларнинг шахсий маълумотлари билан танишиш имкониятидан ҳам фойдаланадилар. Арбитрларни танлашдаги маълумотлар шаффоғлиги тарафларга ўзлари танлаётган арбитрнинг шахсига оид кўпроқ маълумотга эга бўлиши имконини беради.

Низони халқаро тижорат арбитражида кўриш учун беришга арбитраж битими асос бўлади, арбитраж таркиби эса низо вужудга келгандан кейин шаклланади.

Тарафлар ўзаро келишган ҳолда бир ёки уч арбитрдан иборат арбитраж таркибини аниқлаб оладилар. Агар низо арбитр томонидан якка тартибда муҳокама қилинадиган бўлса, бунда арбитр олий юридик маълумотга ва мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлганлар орасидан танланниши, низо коллегиал муҳокама қилинадиган бўлса, унда тижорат арбитражи муҳокамасига раислик қилюучи мутахассис олий юридик маълумотга эга бўлган шахс бўлмоги талаб этилади<sup>1</sup>.

Қонунчилик тарафларга бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳоҳиш-истагига кўра мавжуд низони

ёхуд келажакда вужудга келиши мумкин бўлган низони арбитраж муҳокамасига бериш масаласини ҳал қилиш билан бирга, халқаро тижорат арбитражи таркибини олдиндан шакллантириш имконини ҳам беради.

Тижорат арбитраж суди таркибини шакллантириш билан боғлиқ шундай процессуал муаммолар борки, улар нафақат иш юритувнинг дастлабки босқичида, балки ишни мазмунан кўриш якунлангунга қадар долзарблигича қолаверади.

Халқаро тижорат арбитражи таркибини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар, Е.Васильевнинг фикрига кўра куйидаги уч масала, яъни арбитрлар қай тартибда тайинланиши; арбитр сифатида ким тайинланиши мумкин ва у қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги; арбитрларни рад қилиш ёхуд бошқа ўзгартиришларнинг асослари, шунингдек арбитраж таркибига ўзгартириш киритилишининг хуқуқий оқибатлари нималардан иборатлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади<sup>2</sup>.

**“Агарда жавобгар даъво аризасини олган кундан эътиборан 30 кун ичидаги низони кўриш учун бирон бир шахсни арбитр сифатида сайламаган бўлса ёхуд ҳар иккала низолашувчи тараф 10 кун ичидаги учинчи арбитрни – раислик этувчини сайламаган бўлса, бунда суд муҳокамасига раислик қилювчи арбитр Халқаро тижорат арбитражи раиси томонидан тайинланади.”**

Аммо бундай ҳолатлар ҳар доим ҳам тақорланавермайди, қачонки тижорат арбитражи таркибини сайлашнинг бошқача тартиби хусусида тарафларнинг ўзаро келишуви бўлмаса ёхуд халқаро шартномаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қоидага кўра амалга оширилади. Зоро, халқаро хуқуқ нормалари миллий хуқуқ нормаларидан устувор мавкега эга ва муайян мамлакат қонунчили-

<sup>1</sup> Ш.Менглиев. Ўша асар.-Б.136.

<sup>2</sup> Васильев Е.А. Формирование состава арбитража. Квалификация арбитров // Актуальные вопросы международного коммерческого арбитража. /Отв. Ред. А.С.Комаров. –М.: Спартак, 2002.- С.53.



года бу каби ҳолатлар акс этмаган тақдирда, ҳалқаро хуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари амал қиласди.

Ҳалқаро тижорат арбитражи раисининг арбитраж таркибини шакллантириш ва унинг билан боғлиқ бошқа муаммолар ечимини топишга оид қарор қатъий бўлиб, қарор юзасидан шикоят келтиришига йўл кўйилмайди.

Шу ўринда «ким арбитр бўла олмайди?» деган саволга ҳам жавоб бериб ўтишга тўғри келади. «Ҳалқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги ЮНСИТРАЛнинг намунавий қонунинг тўғрисида оид қарор қатъий бўлиб, қарор юзасидан шикоят келтиришига йўл кўйилмайди.

**« Аксарият давлатлар қонунчилигида бўлгани каби Ўзбекистон миллий қонунчилигида ҳам бунга оид қоидалар белгилаган. Масалан, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида бундай тақиқловчи мөъёлар ўз ифодасини топган.**

Қозогистон Республикасининг «Ҳалқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонунига биноан ваколатли суднинг судьяси этиб тайинланган ёки сайланганлар; муомала лаёқати чекланганлар ёки муомалага лаёқатсизлар; судланганлик ҳолати туғалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаганлар ва давлат хизматчилари ҳалқаро тижорат арбитражининг арбитри бўла олмайдилар<sup>4</sup>.

Ҳалқаро тижорат арбитражини ташкил этишдаги яна бир долзарб муаммо арбитрни рад қилиш масаласидир. Арбитрни рад қилиш учун тарафларда етарли асос бўлиши шарт. Бу муаммонинг қонуний ечими ЮНСИТРАЛнинг Ҳалқаро савдо арбитражи тўғрисидаги намунавий қонуни<sup>5</sup> 12-13-моддаларида белгилаб қўйилган. Намунавий қонуннинг 12-моддасига кўра, қачонки бирон бир шахсга арбитрилкка тайинлаш учун мурожаат қилинганда, у, энг аввало, ўзининг мазкур низоны холис ҳал этишига монелик қилади-

ган барча ҳолатлар тўғрисида мурожаат қилганларни хабардор қилиши зарур. Агар бу шахс ўз вақтида мурожаат қилганларни арбитрни рад этиш учун асос бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилмаган бўлса, у арбитр этиб тайинланган пайтдан бошлаб бутун арбитраж муҳокамаси давомида тарафларга кечкитирмасдан бу ҳақда хабар берishi керак.

Қонуннинг 13-моддаси арбитрни рад этиш таомилларига бағишиланган бўлиб, унга кўра, низоны тижорат арбитраж судида кўриш учун суд таркибини шакллантириш бошлангандан кейин 15 кун давомида тарафлар ўргасида арбитрни рад этишга доир ўзаро келишув бўлмагандан – 12-модданинг 2-бандида кўрсатилган ҳолатларда – арбитраж судига ёзма равиша мурожаат қилинади ва унда арбитрни рад қилишининг хуқуқий асосига оид маълумотлар аниқ кўрсатилиши зарур. Бунда, рад этилаётган арбитр ўз хоҳишига кўра ушбу лавозимдан воз кечмаса ёхуд иккинчи тараф арбитрни рад этишга рози бўлмаса, арбитрни рад этиш масаласи арбитраж суди томонидан ҳал этилади.

Бундан ташқари, тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёхуд 13-модданинг 2-қисмida на зарда тутилган таомилларга кўра, бир тарафнинг рад этиш талаби қонаотлантирилмаган тақдирда унга бу ҳақда хабар келиб тушгандан бошлаб 30 кун ичиди мазкур қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган суд ёхуд бошқа органга арбитрни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Ҳалқаро савдо палатасининг Ҳалқаро арбитраж суди, Стокгольм савдо палатаси қошидаги Ҳалқаро тижорат арбитраж суди, шунингдек, Россия савдо-саноат палатаси қошидаги Ҳалқаро арбитраж суди дунёда эътироф этилган ва бевосита ҳалқаро иқтисодий муносабатларда юзага келадиган низоларни кўришга ихтинослашган ҳалқаро тижорат арбитражлари ҳисобланади. Булар институционал арбитражлардир.

Шунингдек, 1917 йилда Швеция пойтахти Стокгольм савдо палатаси ҳузурида ташкил

<sup>3</sup> Образцы договоров с комментариями.Международный коммерческий арбитраж (конвенции и регламенты). – М.: Финансы и статистика. – Мн.: Амалфея, 1997. С.481-497.

<sup>4</sup> Дацюк И.С. Значение третейского суда как альтернативного способа защиты гражданских прав.- Алматы: Каз ГЮИ, 2003. – С.85.

<sup>5</sup> Резолюция 40/72 Генеральной Ассамблеи ООН от 11 декабря 1985 года «Типовой закон комиссии ООН по праву международной торговли о международном торговом арбитраже».Образцы договоров с комментариями.Международный коммерческий арбитраж (конвенции и регламенты).- М.: Финансы и статистика.-Мн:Амалфея., 1997.-С.480-496.

қилинган «Арбитраж институти» (Arbitration Institute, Stockholm Chamber of Commerce) ҳам махсус арбитраж органи ҳисобланади.

Бундан ташқари, сөбік Совет иттифоқи даврида Умумиттифоқ савдо палатаси ҳузурида ташкил этилган «Ташқи савдо арбитраж комиссиясы» (ВТАК) мунтазам фаолият юритиб келаётган арбитраж институтларидан бири ҳисобланади. У МДХга атзо давлатлар қатори бошқа хорижий давлатлар томонидан ҳам ишончга сазовор арбитраж институти сифатида эътироф этилган.

Барча ҳакамлық судларига хос бўлган принциплардан бири тармоқлараро ҳусусиятга эга бўлган умумий принципдир. Ўзига хос ҳусусиятга эга мазкур принцип қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётига бир хил таъсир этади. Аксарият олимлар арбитраж муҳокамаси принципларини турлича класификация қиласдилар. Жумладан, В.Тарасов ушбу принципларни кўйидаги уч асосий гурухга ажратади: биринчи - умумҳуқуқий принциплар; иккичиси - тармоқлараро принциплар, яъни мустақиллик, қонунийлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал тенглиги, тортишувчанлик ва диспозитивлик; учинчиси - функционал принциплар, яъни арбитраж (ҳакамлик) судига ихтиёрийлик асосида мурожаат қилиш, арбитраж битимининг

автономлиги, арбитраж битимига эътироф билдирилмаслиги, тижорат арбитраж суди судьяларини тарафларнинг ўзлари тайинлаши, арбитраж муҳокамаси жараёнини ташкил этишининг оддийлиги ва тезкорлиги, арбитраж муҳокамасининг маҳфийлиги, ваколатлилиги, арбитраж суди қабул қиласланган қарорнинг қатъийлиги<sup>6</sup>.

Россиялик ҳуқуқшунос олим С.Курочкин мазкур принциплар класификациясини В.Тарасовга қараганда бирмунча бошқачароқ тарзда, яъни: биринчи - умумхуқуқий ҳусусиятга эга бўлган принциплар доирасига қонунийликни киритишни; иккинчи - умумтармоқ принциплари доирасига тенглик, тортишувчанлик ва диспозитивлик принципларини киритишни; учинчি, яъни арбитраж муҳокамасининг махсус принциплари гурухига арбитраж ҳуқуқининг бошқа бир қанча принципларини киритишни (бунда принципларни санаб ўтмайди); тўртинчи гурухни эса «арбитраж ҳуқуқининг алоҳида институтлари принциплари» деб номлагани ҳолда: а) тармоқлараро ҳусусиятга эга бўлган институт принциплари, яъни исботлаш ҳуқуқининг принциплари ҳамда судловга таалуқлилик институти; б) арбитраж ҳуқуқининг алоҳида институтлари принципи (арбитраж битими институти принциплари)<sup>7</sup> тарзида қилиш таклифини илгари суради.

Умуман олганда, ҳалқаро тижорат арбитраж судлари фаолиятининг асосий принциплари ҳусусида узоқ мулоҳаза қилиш мумкин. Чунки бу борада олимларнинг нуқтаи назарлари турлича бўлиб, ягона бир тўхтамга келинган эмас. Уларнинг назарий мушоҳадаларини ўргангандо, мамлакатимиз миллий қонуничилигини шакллантиришда, ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳалқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнда ҳалқаро тижорат арбитражи фаолиятининг асосий принциплари қаторига:

- 1) ҳалқаро-ҳуқуқий нормаларнинг устуворлиги;**
- 2) тарафларнинг тенглиги;**
- 3) эрк мухторияти;**
- 4) мустақиллик;**
- 5) тортишувчанлик;**
- 6) маҳфийлик;**
- 7) қатъийлик** принциплари киритилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисблаймиз.

**Санжарбек АББАСОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
ҳарбий-техник институти мустақил изланувчиси

<sup>6</sup> Тарасов В.Н. Третейский процесс.- СПб., 2002.- С.46.

<sup>7</sup> Менглиев Ш. Арбитражное рассмотрение внешнеэкономических споров.- Душанбе : «Эчод»,2009.- С.45-46.



# Мажбурият бажарилиши керак



Шартномадан, зиён етказишдан ёки Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа асослардан келиб чиқиши мумкин бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш масаласи фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда муҳим ўрин тутади. Мажбурият бажарилишини таъминлашнинг моҳияти шундан иборатки, қарздор зиммасидаги мажбуриятни белгиланган муддатда бажармаса кредиторда зиённи ундиришдан ташқари қарздорни мажбуриятни бажаришга мажбур қиласиган бошқа мулкий таъсир чораларини қўллаш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Қонунчилиқда мажбурияттнинг бажарилишини таъминлаш усуларининг белгилаб қўйилиши «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида мустаҳкамланган, тадбиркорлик соҳасида шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари ҳисобланган шартнома интизомига риоя этилишини ва тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлигини хукукий жиҳатдан янада мустаҳкамлади. Мажбурияттнинг бажарилишини таъминлаш усуллари дейилганда асосий мажбурияттнинг бажарилишини етарли даражада кафолатловчи ва қарздорни тегишли ҳаракатга даъват қилувчи маҳсус чоралар тушунилади. Фуқаролик кодексининг 259-моддасига асосан мажбурияттнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун хужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, мажбуриятни бажариши таъминлаш усули сифатида неустойка мажбурият олган тарафлардан ҳар бирининг хукуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилса, гаров, ушлаб қолиш, кафиллик ва кафолатда кредиторнинг хукуқ ва қонуний манфаатлари устун мавқега эга бўлади. Шунга кўра мажбурияттнинг бажарилишини таъминловчи усуллар одатда кредитор манфаатини кўзлаб белгиланади. Бу усулларнинг барчаси ҳам санкция ҳисобланмасада, улар қарздорга бевосита ёки билвосита кўшимча мажбуриятларни юклайди. Масалан, гаровда кредитор гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ўз талабларини қондириши мумкин.

Эътиборли томони шундаки, мажбурияттнинг бажарилишини таъминлаш усулини белгилаш билан тарафлар иккинчи мажбуриятни вужудга келтиради. У кўшимча – акцессор мазмунга эга бўлиб, бажарилиши лозим бўлган асосий мажбуриятдан келиб чиқиши билан аҳамиятлидир. Асосий мажбурияттнинг ҳақиқий эмаслиги акцессор мажбурияттнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади, бироқ акцессор мажбурияттнинг ҳақиқий эмаслиги асосий мажбурияттнинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўла олмайди.

Акцессор мажбурият асосий мажбурияттнинг

бажарилишини таъминлашга қаратилган. Асосий мажбурият бажарилиши билан тарафлар уртасида белгиланган акцессор мажбурият ўзи-нинг юридик кучини йўқотади.

Айни пайтда қонунчилиқда мажбурияттнинг бажарилишини таъминлаш усули келгусида вужудга келиши мумкин бўлган мажбурияттнинг бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкинлиги ҳам қайд этилган. Чунончи, Фуқаролик кодексининг 292-моддаси иккинчи қисмiga асосан кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбурияттнинг бажарилишини таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Мажбурияттнинг бажарилишини таъминлаш усулларини қўллаш билан боғлиқ масалалар Фуқаролик кодекси, «Гаров тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида», «Ипотека тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив-хукукий хужжатлар билан хукукий тартибга солинади.

Мажбурияттнинг бажарилишини таъминлаш усуллари ўзига хос хусусиятларига кўра бирбиридан фарқланади.

## НЕУСТОЙКА:

Неустойка дейилганда қонун хужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул миқдори тушунилади. Жарима ва пеня неустойканинг турларидир.

Қарздор мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий суммада ҳисобланадиган неустойка жарима, қарздор мажбурияттнинг бажарилишини кечикириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбурияттнинг бажарилмаган қисмiga нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Агар шартномада айнан битта мажбурияттнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня шаклида тўлаш назарда тутилган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойкани кўллашни талаб қилишга ҳақли.



## ГАРОВ:

Бир шахснинг бошқа шахсга мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбурият бажарилишини таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Шартнома ёки қонун асосида юзага келган гаров *закалат* (гаровга қўйиладиган мулкни гаровга қўючининг гаровга олувчига ўтказиши), *ипотека* (кўчмас мулкни гаровга қўйиш), шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Қонун бўйича ҳар қандай ҳақиқий мажбурият гаров билан таъминланиши мумкин. Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган, Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув картилишига йўл қўйиладиган ҳар қандай мулкни (корхона, бино, жиҳоз, қимматбаҳо қоғозлар, пул, мулкий ҳуқуқ ва х.) гаровга қўйса бўлади.

## УШЛАБ ҚОЛИШ:

Қарздор мажбуриятини ўз вақтида бажармаган тақдирда қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор уни қарздор мажбуриятини бажаргунга қадар ушлаб қолишга ҳақли.

## КАФИЛЛИК:

Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб беради. Шу билан бирга, қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоиз тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимини ва қарздор мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани туфайли кредитор кўрган бошқа заарларни тўлайди. Айни пайтда кафил ва қарздор жавобгарликни турли ҳажмларда белгилаб олишлари ҳам мумкин.

Кафиллик мажбуриятни бажариши таъминлашнинг бошқа усулларидан фарқли равища асосий мажбурият амал қиласидиган бутун муддатга ёки тарафлар келишган муддатга белгиланиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 298-моддаси учинчи қисмига асосан кафилликнинг амал қилиш муддати тугаши кафилликни бекор қилишга асос ҳисобланганни учун кредиторнинг кафилга кафиллик шартномасининг амал қилиши муддатидан кейин қўйган талаби рад қилинади.

## КАФОЛАТ:

Кафолатта биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суъфурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс(принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пулни тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.



Кафолат принципалнинг бенефициар олди-даги мажбуриятини (асосий мажбуриятни) ло-зим даражада бажаришини таъминлайди.

Кафолат берилгани учун принципал кафилга ҳақ тўйлади.

## ЗАКАЛАТ:

Шартнома тузяётган тарафлардан бирни шартнома тузилганини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул закалат ҳисобланади.

Шартномадаги тараф тўлаши керак бўлган пул ҳисобидан тўланган сумма закалат эканлигига шубҳа туғилган тақдирда, бу сумма, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бўнек сифатида тўланган деб ҳисобланади.

Мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (Фуқаролик кодексининг 349-моддаси) бекор қилинган тақдирда закалат пули қайтариб берилиши керак.

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарни тўлаши шарт. Қайд этиш керакки, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усуллари ҳисобланган неустойканинг пена шаклини қўллаб, даъвогарнинг бузилган хукуки ва қонуний манфаатини тиклаган.

Иктисидий судлар амалиётига мурожаат этсак. «Элёр Ҳайит» хусусий корхонаси иктисидий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Бунёдкор» маъсулияти чекланган жамиятидан 14,15 млн. сўм асосий қарз ва 7,07 млн. сўм пена ундиришини сўраган.

Иш хужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида тузилган қурилиш пудрати шартномасига асосан хусусий корхона МЧЖнинг буортмасига асосан пудрат ишларини келишилган муддат ва белгиланган сифатда бажариш, МЧЖ эса ушбу хиз-

мат(иш)ни қабул қилиб олиш ва унинг учун келишилган нарҳда ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Хусусий корхона шартномага асосан олган мажбуриятини бажариб, МЧЖга жами 25,15 млн. сўмлик пудрат хизматини кўрсатган. МЧЖ ҳам мазкур шартнома шартларига асосан қабул қилиб олинган пудрат хизматлари учун қисман, яъни 11 млн. сўм ҳақ тўйлаб, қолган пулни тўламай келган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.2-бандига асосан кўрсатилган хизмат қабул қилиб олингандан сўнг уч кун ичидаги якуний ҳисоб-китоб амалга оширилиши белгиланган. Аммо жавобгар кўрсатилган хизмат учун якуний ҳисоб-китобни ниҳоясига етказмаган. Бу билан жавобгар Фуқаролик кодексининг 673-моддаси биринчи қисмидаги белгиланган буюртмачи пудратчининг бажарган иши учун сметада назарда тутилган миқдорда, қонун ёки қурилиш пудрати шартномасида белгиланган муддатда ва тартибда ҳақ тўлаши шартлиги тўғрисидаги қоидани бузган.

Юқоридагиларга асосан суд даъвони қаноатлантириб, асосий қарзни ундириш билан биргалиқда, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усулларидан ҳисобланган неустойканинг пена шаклини қўллаб, даъвогарнинг бузилган хукуки ва қонуний манфаатини тиклаган.

Қайд этилганлардан шундай хulosага келишумкини, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усуллари қонунчиликда алоҳида белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, тарафлар зиммасидаги мажбуриятини лозим даражада ва ўз вақтида бажаришини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Бу мажбурият муносабатларига киришган фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хукуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ таъминланишига хизмат қилади. Иккинчидан, асосий мажбуриятни лозим даражада ва ўз вақтида бажармаслик тараф зиммасига қўшимча мажбурият юкланишига олиб келади. Бунинг оқибатида тараф муайян миқдорда молиявий йўқотиши бошдан кечиради ёки обрўсига путур етади ва ҳоказо. Шунга кўра қонунчиликда мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усулларининг белгиланиши муҳим тарбиявий вазифани ҳам бажариб, тарафларни зиммасига олган мажбуриятига қатъий риоя этишга унрайди.

**Илҳомжон РАЖАБОВ,**

Тошкент туманлараро иктисидий судининг судьяси



# Эгалик ҳуқуқини белгилаш бу бўйича фуқаролик ишлари қониқарлими?



«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига кўра қонун ижодкорлиги ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан судларда фуқаролик ишлари юритилишида прокурор ваколатини таъминлаш билан бирга қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Эгалик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ фуқаролик ишларини ҳал этиш амалиёти айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Масалан, суд амалиётiga кўра, хусусийлаштирилмаган уйларга нисбатан Фуқаролик кодексининг 187-моддаси (Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат) асосида эгаликни белгилаш ҳақидаги даъво аризаларини қаноатлантиришад этилади. Лекин хусусийлаштирилмаган уйларга нисбатан мазкур модда талаблари кўлланмаслиги ҳақидаги талаб қонунчиликда ўз ифодасини томпмаган.

Ўзбекистон Олий суди пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётida вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорида Фуқаролик кодексининг 187-моддасини кўлашга оид талаблар белгиланганд бўлсада, айнан хусусийлаштирилмаган уйларга нисбатан ушбу модда асосида эгалик ҳуқуқини белгилаш мумкин эмаслиги қайд этилмаган. Шу жиҳатдан ҳам эгалик ҳуқуқини белгилашга оид суд амалиётida хусусийлаштирилмаган уйларга нисбатан мазкур кодекснинг 187-моддаси асосида эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳолатлари учрамоқда.

Буни суд қарори билан қаноатлантирилган Б.Солиевнинг туман ҳокимиятига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Аниқланишича, низоли хонадон 1970 йилда ҳалқ депутатлари Октябрь район совети ижроия комитетининг қарори билан Д.Трофимовага фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган. Д.Трофимова 1990 йилда вафот этган.

Б.Солиев кўшниси Д.Трофимованинг вафотидан кейин унга фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегиши бўлган низоли хонадонга нисбатан 1992 йилдан бўён ўз уйи каби ҳалол муносабатда бўлгани, барча тўловларни тўлаб келаётгани сабабли эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб судга даъво аризаси киритган. Суд Фуқаролик кодексининг 187-моддаси асосида эгалик ҳуқуқини белгилаб беришга доир талабларни тўлиқ ўрганмай туриб, мазкур хонадонга нисбатан Б.Солиевнинг эгалик ҳуқуқини белгилаб берган.

ҳуқуқини олиш учун у ҳалол йўл билан эгалланган бўлиши лозимлиги қайд этилган. Бундай эгалик қилиш бошқа шахслар учун ошкора ва аниқ кўринадиган бўлиши, шунингдек, эгалик қилувчи мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиши (фақаттинга ундан фойдаланибигина қолмай, уни лозим даражада саклаш чораларини кўрганини ҳам назарда тутиш) зарур. Эгалик қилиш конунда белгиланганд муддатда узлуксиз давом этган бўлиши ҳам керак.

Демак, фақаттинга кўрсатилган ҳар учала шартга риоя қилинган тақдирдагина эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат амалда эгалик қилувчи мулк ҳуқуқига асос бўлиши мумкин.

Бирок мазкур фуқаролик ишида даъвони қаноатлантиришда қонун бўйича эгалик



Фуқаролик кодексининг 187-моддаси бўйича эгалик ҳуқуқини белгилаш амалиётiga кўра, агар даъвогар низоли хонадонда бирор шартномавий муносабат (ижара, оғзаки олди-сотди, ҳадя) асосида яшаб келаётган бўлса, эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида эгалик ҳуқуқини белгилаш мумкин эмас.

Олий суд пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётida вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги 16-қарорининг 12-бандига кўра эгалик қилиш муддати асосида ашёга эгалик

ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат қачондан бошлангани аниқланмаган. Чунки даъвогар ўз аризасида низоли хонадон эгаси Д.Трофимова уни ўз фарзанди каби ўстиргани, бу вақтда у 17 ёшда бўлганини келтириб ўтган. Яъни, бу вақтда



даъвогар вояга етмаган бўлиб, у ота-онасига тегишли хонадонда доимий рўйхатда турган ва яшаган. Гарчанд даъвогарнинг низоли хонадонда қачондан доимий яшай бошлаганини аниқлаштириш эгалик ҳукуқини вужудга келтирувчи муддатни белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, бу масала аниқлаштирилмаган.

Шунингдек, эгалик қилиш қонунда белгиланган муддатда узлуксиз давом этган бўлиши зарурилигига қарамай, судга тақдим этилган даъвогарнинг паспорти нусхасида у низоли хонадонга кўшни бўлган ота-онасига тегишли хонадонга 1991 йилда доимий рўйхатга

ли уйга қўшни бўлган ота-онасиning уйида доимий истиқомат қилиши кўрсатилган.

Шу билан бирга, ишга тақдим этилган коммунал тўлов қоғозларида тўловлар асосан 2001 йилдан бошланиб, тўловларни даъвогар эмас, балки унинг онаси тўлагани маълум бўлган.

Шунингдек, ишда Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси архив маълумотларига кўра ушбу хонадонга бўлган мулк ҳукуқини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хеч қандай мурожаат бўлмагани қайд этилган. Ишни ўрганиш жараёнида кўшимча тарзда Олмазор тумани

нидек, хусусийлаштирилмаган уйларга нисбатан мулк ҳукуқини вужудга келтирувчи муддат асосида эгалик ҳукуқини белгилаш мумкин эмаслиги бирор-бир қонунда қатъий белгиланмагани сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларга кўра Фуқаролик кодексининг 187-моддасига «хусусийлаштирилмаган уйларга нисбатан ушбу модда талабини қўллаш мумкин эмас» деган мазмундаги кўшимча киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 187-моддаси бўйича эгалик ҳукуқини белгилаш амалиётига кўра, агар даъвогар низоли хонадонда бирор шартномавий муносабат (ижара, оғзаки олди-сотди, ҳадя) асосида яшаб келаётган бўлса, эгалик ҳукуқини вужудга келтирувчи муддат асосида эгалик ҳукуқини белгилаш мумкин эмас. Амалиётда эса кўпинча даъвогар низоли хонадонда ижарада яшайдиган ҳоллардагина ушбу модда талаби қўлланиши инкор этилмоқда. Олий суд пленумининг юқорида зикр этилган қарорининг 11-бандида «Мулкдорда бирон-бир эгалик қилиш ҳукукий асоси мавжудлиги, масалан, узоқ муддатли ижара шартномаси борлиги эгалик қилиш ҳукуқини вужудга келтирувчи муддатларни ҳисоблашни инкор қиласи» деган қоида қатъий белгиланган. Ушбу талабдан келиб чиқсан ҳолда амалиётда ижарада яшаб келиб, мулк ҳукуқини вужудга келтирувчи муддат асосида эгаликни белгилаш ҳақидаги мурожаатларни қаноатлантириш рад этилаяпти.

“

Ўзбекистон Олий суди пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорида Фуқаролик кодексининг 187-моддасини қўллашга оид талаблар белгиланган бўлса-да, айнан хусусийлаштирилмаган уйларга нисбатан ушбу модда асосида эгалик ҳукуқини белгилаш мумкин эмаслиги қайд этилмаган.

Кўйилгани, 2015 йилдан 2016 йилга қадар Қашқадарё вилоятида вақтинча рўйхатдан ўтиб яшагани қайд этилган. Яъни, даъвогарнинг 18 йил низоли хонадонда узлуксиз яшагани тўлиқ ўрганилмаган.

Ишга тақдим этилган, Олмазор тумани «Тепақўрғон» МФЙ томонидан берилган маълумотномада даъвогар Б.Солиев низо-

кастстр бўлими тақдим этган маълумотномада ушбу хонадон хусусийлаштирилмагани қайд этилган. Шунга қарамай, суд низоли хонадонга нисбатан эгалик ҳукуқини белгилаб берган. Суднинг мазкур қарорига нисбатан протест киритилди ва у бекор қилинди.

Бундай ҳолатнинг вужудга келишига, юқорида айтилга-



Бу борада Россия Олий суди ва Олий арбитраж суди пленумининг 2010 йил 29 апрелдаги «Мулк ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар түғрисида»ги 10/22-қарорининг 15-банди 6-хатбошисида «шартнома мажбуриятлари асосида эгалланган уйларга нисбатан Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 234-моддаси татбиқ этилмаслиги» аниқ белгилаб кўйилган.


Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Фуқаролик кодекси

жууд. Яъни, фуқаро хизмат сафари юзасидан бошқа ҳудудга бориб яшагани ёки дам олиш туфайли бошқа давлатга чиқиши ҳам ушбу узлуксиз муддатга киритилмаган ҳолатлар бор. Юқоридаги мисолда ҳам даъвогарнинг Қашқадарё вилоятида яшагани эгалик қилиш учун кўлланадиган муддатнинг узилишига олиб келган. Шу турдаги низоларни ҳал этишда айнан қандай ҳолатлар бу муддатни узлуксиз деб топишга асос бўлишини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, Россия Олий суди ва Олий арбитраж суди пле-

аниқ белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 187-моддасини «Эгалик қилиш қонунда белгиланган муддатларда узлуксиз давом этган бўлиши зарур, эгалик қилиб турган шахснинг хизмат сафарига бориш ёки дам олиш, даволаниш, соғлигини тиклаш мақсадида бошқа ҳудудда вақтингча яшагани, шунингдек, бу вақтда эгалик қилувчи шахснинг тўғридан-тўғри хукуқий ворислари ушбу уйда яшагани бу муддат узлуксизлигининг бузилишига олиб келмайди» деган мазмундаги олтинчи



187-моддасининг 4-хатбошиси «бирор-бир шартнома асосида эгаллаб турилган уйларга нисбатан ушбу модда талабини қўллаш мумкин эмас» деган таҳрирда берилиши лозим.

Шунингдек, мулк хукуқини вужудга келтирувчи муддат асосида эгаликни белгилашда эгалик қилиш қонунда белгиланган муддатда узлуксиз давом этганини аниқлашда турлича ёндашиш ҳолатлари мав-

нумининг 2010 йил 29 апрелдаги «Мулк ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар түғрисида»ги 10/22-қарорида мулк хукуқини вужудга келтирувчи муддат асосида яшаб турган шахснинг вақтингча ушбу уйда бўлмаслиги қандай ҳолатларда ушбу муддатнинг узлуксизлигига олиб келмаслиги

хатбоши билан тўлдириш лозим. Кодекснинг 187-моддасига шундай кўшимча ва ўзгартишларнинг киритилиши ушбу модда судлар томонидан аниқ ва бир хил қўлланишига, унинг мазмуни турлича талқин қилишининг олдини олишга ва ягона суд амалиёти жорий этилишига хизмат қиласди.

**Матлуба АМИНЖНОВА,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
бўлим прокурори,  
юридик фанлар доктори, доцент



# Низоларни ҳал этишда келишув битимининг ўрни

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини демократлаштириш ва суд жараёнларини соддалаштиришdir. Ҳаммамизга маълумки, аслида тарафлар низоларни келишув асосида ҳал этишнинг умуман имконияти қолмаганда охирги чора сифатида судга мурожаат қиласди.



Тадбиркорлик субъектлари учун ҳар дақиқа қадрли бўлгани сабабли узоқ давом этадиган суд жараёнлари самарасиз ҳисобланади. Шунинг учун бугунги кунда низоларни ҳал этишнинг тезкор жараёни зарур бўлмоқда. Эндиликда келишув битимларини тузиш суд жараёнларини тезлаштириш, соддалаштириш йўли билан муаммоларни ҳал этиш усули сифатида тан олинайти.

Амалдаги Иқтисодий процессуал кодекс тарафларга иқтисодий низоларни ярашув тартибida ҳал қилиш имконини беради, шу орқали суд жараёни узоқ давом этишининг олдини олади.

Низоларни ҳал этишнинг энг самарали усулларидан бири келишув битими тузишdir.

Келишув битимиға Ўзбекистон Олий хўжалик суди пленумининг 2009 йил 18 декабрдаги «Иқтисодий судлар томонидан келишув битими ни тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланишига оид айрим масалалар тўғрисида»ги 204-қарорининг 2-бандида «Келишув битими деганда тарафларнинг ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби(талаблари)га нисбатан аниқликка эришишга қаратилган, низони ҳал қилиш тўғрисидаги ёзма келишуви тушунилади» деб таътиф берилган.

Келишув битими воситасида тарафлар ўртасынан низо якун топади.

ИПКнинг 163<sup>1</sup>-моддасида шундай дейилган: «Судгача мажлис ўтказиш чогида судья: тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низони ҳал қилишнинг мүқобил усуллари эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради». Шунингдек ушбу кодекснинг 130-моддасига кўра «суд тарафларнинг келишуви учун чоралар кўради, уларга иқтисодий суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашади».

ИПКнинг 131-моддасига асосан тарафлар низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал қилиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув

битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Келишув битими аксарият ҳолларда ҳар қандай иқтисодий низо юзасидан тузилиши мумкин, аммо келишув битими тузилиши мумкин бўйлмаган тоифадаги ишлар ҳам бор, булар ИПКда аниқ белгиланади. Жумладан, кодекснинг 221-моддасига кўра ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими тузилиши мумкин эмас.

Келишув битимини тўғри тузиш ва тасдиқлаш жуда муҳим. Чунки келишув битими ҳал қилув қарори билан низони ҳал қилишдан бир неча жиҳатлари билан устун туради.

## | ЖУМЛАДАН:

 жавобгар мажбуриятини ўз ихтиёри билан тан олади ва уни бажаришга киришади (суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингандан сўнг эса жавобгар ижрони кечикириш юзасидан кейинги инстанцияга бир неча марта мурожаат қилишига тўғри келиши мумкин);

 келишув битими тарафларни муросага келтириш йўлидаги дастлабки қадам бўлса, суднинг қарори улар ўртасидаги низони янада чуқурлаштириши мумкин;

 суднинг ҳал қилув қарорини ижро этишда мажбуров үнсурлари мавжуд, келишув битимини эса тарафлар ўз ихтиёри ва имкониятига асосан тузади;

 келишув битимини тузиш вақт ва пулни тежайди, шунингдек тарафлар ўртасида дўстона алоқалар сақланиб қолишига хизмат қиласи.

ИПКнинг «Яраштириш тартиб-таомиллари» номли 16-бобида келишув битимига алоҳида ургу берилмай, умумий тарзда ифодаланган. Ҳолбуки одил судлов тизимида нафақат адолатли, қонуний ечим топиш, балки тарафларни муросага келтириш, улар ўртасидаги шерикчиликни сақлаб қолиш ва суд жараёнларини қисқа фурсатда тарафлар эътирозисиз якунлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, ИПКнинг 16-бобида ярашув тартиб-таомиллари, келишув битимини тузиш, унинг шакли ва мазмuni, келишув битимини тасдиқлаш, уни тасдиқлашни рад этиш, келишув

битимини кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ажрими ва келишув битимини ижро этиш масалалари батафсил тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий низолар бўйича келишув битимини қаҷон тузиш юзасидан чеклов йўқ. Келишув битими судгача, судга мурожаат қилингандан сўнг ҳамда суд ҳужжатини ижро этиш босқичида яраштириш тартиб-таомилларига асосан тузилиши мумкин.

Англия ва АҚШда низоларнинг 85-95 фоизи ярашув битими билан тутгалланади. Ривожланган мамлакатларда ярашув битимини тузиш суд иш юритуви пайтида ҳам кенг қўлланади.



## Шу ўринда мамлакатимизда келишув битимини түзиш оммалашмаётганини таъкидлаш жоиз.

### ЖУМЛАДАН:

2018 йили Тошкент туманлараро иқтисодий судида **34825** та иш кўрилган бўлса, шундан **253** таси келишув битими билан якунланган. Бу умумий иқтисодий ишларнинг **0,7** фоизига тенг. 2019 йилда **30072** та иш кўрилган бўлса, шундан **261** таси бўйича келишув битими тузилган. Бу умумий иқтисодий ишларнинг **0,8** фоизига тенг. Яъни, кўрсаткич қисман ортган. Бу эса тарафларга келишув битими түзиш таклиф этилаётгани самара берадиганни кўрсатади.

Олий хўжалик суди пленумининг 2009 йил 18 декабрдаги 204-қарорининг 11-бандида келишув битимининг шартлари аниқ, тушунарли баён қилиниши ва ҳар хил талқин қилинишига ва келгусида низоларнинг келиб чиқишига йўл кўймайдиган бўлиши лозимлиги, шунингдек, келишув битими тарафларнинг бир-бири олдидаги мажбуриятларининг шартлари, миқдори ва бажариш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши кераклиги белгиланган.

Бироқ пленум қарорида берилган ушбу таърифи ҳам мукаммал деб бўлмайди. Пленум қарори бандидаги тушунчалар келишув битимининг ҳуқуқий табиатини очиб бермаслик билан бирга, уни қўллашда ягона амалиётни шакллантиришга халал берарди.

ИПКнинг 132-моддасида келишув битимига анча мукаммал таъриф берилган. Унга кўра келишув битимида тарафлар томонидан ўзаро келишилган мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари ҳақидаги қоидалар кўрсатилиши керак.

Тарафлар томонидан келишув битими шартлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тарафларни бир-бирига ёки бошқа воқеаларга (ҳаракатларга) боғлиқ қилиб кўйиши мумкин эмас, яъни шартли бўлиши мумкин эмас.

Келишув битимида дайвогар ва жавобгар томонидан мажбуриятларни кечиришиб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, қарздан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ёхуд қарзни тан олиш тўғрисидаги, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги, суд харажатларини

ни тақсимлаш ҳақидаги ҳамда қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилиши мумкин.

Келишув битимини түзиш ва тасдиқлашнинг эътибор берилиши керак бўлган бир қанча жиҳатлари мавжуд. Олий хўжалик суди пленумининг 2009 йил 18 декабрдаги 204-қарорида таъкидланишича, иқтисодий суд тарафлар тақдим этган келишув битими қонун ҳужжатларига, оммавий ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги ва у бошқа бирор-бир шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига дахл этмаётганини, агар келишув битимида кўчар ёки кўчмас мулкни бериш тўғрисидаги шарт бўлса, бу мулкка учинчи шахснинг ҳуқуқи бор ёки йўқлигини (гаровга кўйилганини, хатлаб қўйилганини ва ҳ.) текшириб қўриши лозим.

Шунингдек, судлар келишув битими ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра битим эканини ва келишувнинг қонунга мувофиқ тузилганини ўрганишда уни түзиш тартибини ҳам кўриб чиқишлиари зуурлигини ҳисобга олишлари керак. Агар келишув битимининг тарафларидан бири масъулияти чекланган жамият ёки акциядорлик жамияти бўлса, мазкур келишув йирик битим эмаслигини, у «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуларда белгиланган тартиба мувофиқ тузилганини ўрганиш талаб этилади.

Шунингдек, судлар келишув битимини тасдиқлашни кўриб чиқаётгандан битим объекти давлат мулки бўлса объект баҳоланганига ва та-

сарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли давлат органининг розилиги олинганига эътибор қилиши керак.

ИПКнинг 132-моддасига кўра келишув битими ёзма шаклда тузилади ва келишув битимини тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Битим тарафларнинг бир-бiri олдиаги мажбуриятини бажариш шартлари, миқдори ва муддати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими чиқарилётганда унинг хулоса қисмида битимнинг барча шартлари аниқ баён этилиши керак. Келишув битими тузилганда тарафларнинг суд харажатларини тақсимлаш бўйича келишувининг мавжуд эмаслиги келишув битимини тасдиқлашни рад этишга асос бўлмайди. Бундай ҳолда суд харажатлари ИПКнинг 118-моддаси қоидалари асосида тақсимланади.

**Биринчидан,** «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида Олий суд пленуми суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқиши ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар берishi керак дейилган. Бу ҳолатда эса пленум ваколати доирасидан бироз четга чиққанини кўриш мумкин. Зоро, қайси турдаги ажрим устидан шикоят қилинmasлиги ИПК моддаларида аниқ белгиланган бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда бошқача талқин қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

**Иккинчидан,** келишув битими ҳуқуқий табиатига кўра фуқаролик-ҳуқуқий битим бўлиб, тарафларнинг эрки ва хоҳиш-иродасини ифода этади. Шундай экан, тарафлarda суд томонидан тасдиқланган битимни имкониятларининг ўзгаргани муносабати билан муддатини эмас, балки тўлаш усулларини ўзгартириб, судга янги таҳрирда тасдиқлаш учун тақдим этиш ҳуқуқини қолдириш лозим. Чунки тарафлар келишув битимида қарзини пул билан тўлашни назарда тутган бўлса-ю, янгитдан битим тузиб, қарзни балансида мавжуд бўлган кўчмас мулк ҳисобидан тўлаб беришга келишса, буни суд нега тасдиқлаб бермаслиги керак? Бу каби сунъий тўсикларнинг қўйилиши ҳам келишув битими институтининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

## ТАКЛИФ

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Олий ҳўжалик суди пленумининг 2009 йил 18 декабрдаги 204-қароридан 19-банднинг иккинчи хатбошини чиқариб ташлашни тақлиф қиласиз.

**Иброҳим ЖЎРАЕВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси



# Бири иккинчисидан кам эмас...

Ўзида бир неча жиноятларни мужассамлаштирган коррупция инсонлардаги эртанги кунга бўлган ишончни сўндириб, жамиятнинг маънавий устунлари емирилишига олиб келади. Шуниси ҳам борки, коррупция, хусусан, порахўрлик икки ёқлама, ўртасида тўсиги йўқ кенг бир йўл. Бу йўлда кимдир пора олувчи, кимдир эса пора берувчи.

## Суд жараёни.

Очиқ суд мажлисида коррупциянинг энг кўп учрайдиган шакли саналган пора билан боғлиқ жиноят иши кўриб чиқилмоқда. Фақат бу сафар бироз бошқача ҳолат – суднинг «қора курси»сида пора олган эмас, пора берган шахс ўтириби.

Жиноят тафсилотларига қисқача тўхталамиз.

2020 йилнинг 20 январида Бўstonлик туманинг хусусий ишлаб чиқариш корхоналаридан бирда ўғирлик содир этилган: завод ҳудудидан қўматбаҳо мис кабеллар ва юк кўтариш мосламаси яширин равишда олиб чиқиб кетилган. Бундан ўз

вақтида хабар топган корхона раҳбари тўман ИИБга тегиши тартибда ариза билан мурожаат қиласди. Жиноят қисқа муддат ичиди, яъни шу куннинг ўзидаёқ фош этилади. Ўғри бегона эмас, шу корхонада сал кам йигирма йилдан бери ишлаб келаётган, 1979 йилда туғилган Г.Т. экани аниқланади.

Маълум бўлишича, Г.Т. хусусий корхонадан мис кабель ва юк кўтариш мосламасини ўғирлаб чиқиб, Азамат исмли танишига уч миллион сўмга пуллаб юборган. У бундай ишни биринчи марта қилган эдими ёки ўнинчи мартами, гап ҳозир бу ҳақда эмас.

Бир жиноят бошқа бир жиноятни етаклаб келди деган гап топиб айтилган. Қилмишининг «миси» чиқиб, терговолди суриштирув ишлари бошланган бир пайтда Г.Т. иккинчи бир жиноятни содир этишга қарор қиласди – терговга қадар текшириув ҳаракатларини олиб бораётган ИИБ жиноят қидириув бўлими бошлиғи А.Б.га ишни «ёпди-ёпди» қилиши учун пора таклиф қиласди.

Ички ишлар ходими, мансабдор шахс ҳисобланган А.Б. унга бу қонунга хилоф эканини тушунтирганига қарамай, у «минг доллар атагани»ни айтиб туриб олади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни 26-моддасига мувофиқ давлат органлари ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш максадида бирор-бир шахс муроҷаат этганига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт. Ҳолат бўйича ИИБ ходими А.Б.нинг аризасига асосан Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси ва ҳамкорликдаги тузилмалар томонидан тезкор тадбир режаси ишлаб чиқиласди.

Эртаси куни, аниқроғи жорий йилнинг 21 январида Г.Т. туман ИИБ жиноят қидириув бўлими бошлиғи А.Б.га унинг хизмат хонасида терговга қадар текшириш материалини унинг манфаатларини кўзлаб ҳал қилиб бериши эвазига 1000 АҚШ долларини пора тариқасида берган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан суднавучи Г.Т. содир этган ижтимоий ҳафли ҳаракатлар Жиноят кодексининг 211-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади. Айбига тўлиқ иқрорлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилди.

Суд томонидан жазо тури ва миқдорини тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳамда унинг муқаддам сўдламмагани инобатта олинниб, унга нисбатан жарима жазоси тайинланди.

Жиноятга жазо мұқаррарлиги таъминланди. Пора олган ҳам, берган ҳам, пора олиш-беришда воситачилик қилган ҳам жиной жавобгарликка тортили-

ши мұқаррар – бу қонун талаби. Фикримизни шундай якунлаб қўйсак ҳам бўлар эди. Лекин масалага бошқа томондан ёндашиб кўриш фойдадан холи бўлмайди.

Афуски, коррупция авж олиб, давлат идораларининг айрим мансабдор шахслари фуқароларни пора беришга мажбурлаган даврлар ҳам бўлди. Оқибатда одамларнинг ўз муаммоларини пора бериши ёки таниш-билиш орқали ҳал қилиши одатий ҳолга айланаб қолган эди. Айрим юртдошларимиз пора бериш, худди пора олиш каби жиноят эканини, уларнинг бирни иккинчисидан асло кам эмаслигини унугиб ҳам қўйди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг ҳар қандай қўринишига қарши жиддий кураш бошланди, ҳалқимиз бунинг самарасига гувоҳ бўлиб туриби. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун, Президентимизнинг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Бугун ҳалқимиз мавжуд муаммоларнинг сабабчisi айнан коррупция эканини тушуна бошлади. Албатта, бу жуда катта ютуқ.

Бироқ, жорий йилнинг 24 январида Президентимизнинг Олий Мажлисга мурожаатида таъкидланганидек, коррупцияга қарши курашища аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинmas экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.

**Коррупцияга қарши курашиш узлуксиз, қатъий ҳаракат қилишни тақозо этувчи жараён. Бу жараёнга оддий фуқаро қандай ҳисса қўшиши мумкин?** Умуман, бир инсон коррупцияга қарши курашга қандайдир даражада таъсир кўрсата оладими?

Албатта. Бунинг учун пора берманг ва олманг, бошқаларни ҳам шунга чақиринг. Ҳар қандай коррупция ҳолати ҳақида тегишли ташкилотларни, жамоатчиликни хабардор қилинг. Шу йўл билан ҳар биримиз жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз мухит пайдо бўлишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Баҳодир ҚОРАЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Бўстонлик тумани суди раиси



# Жиноий инсценировкалар уларни таснифлашнинг назарий асослари

Сўнгги йилларда жиноятчилик табиати кескин ўзгариб, унинг усуллари кун сайин янгиланиб бормоқда. Замонавий жиноятлардаги асосий хусусият жиноятчилар томонидан унинг махфийлик даражасига қаттиқ ургу берилиши бўлиб, жиноий фаолиятнинг аҳамиятга эга бўлган воқеаларини инсценировка қилиш усулидан фойдаланиш ҳолатлари кўп кузатилади. Бу турдаги жиноятларни фош этиш ва ҳақиқатан ҳам содир бўлган воқеага ойдинлик киритиш терговчидан маҳорат ва тажриба талаб қиласди.

Жиной инсценировкалар муаммоси хорижлик күплаб таниқли криминологарнинг илмий изланиш объекти бўлиб келган. Бироқ содир этилган жиноятни яшириш усулларидан бири саналган жиноий инсценировкалар муаммоси республикамиз криминалист олимлари, ҳукуқшунослар назаридан четда қолиб келмоқда. Бу ҳолат ҳукуқ-тартибот ҳамда суд органлари фаолиятини маълум даражада мурракблаштироқда.

Эътироф этиш керак, жиноятни фош қилиш ва тергов қилиш муаммосига бағишиланган ўзбекистонлик күплаб таниқли олимларнинг тадқиқотлари мавжуд (хусусан, Ф.Абдумажидов, Л.Баканова, А.Закрулаев, А.Закутский, Д.Миразов, Б.Мурадов, Ф.Мухитдинова, Б.Пулатов, Ю.Пулатов, Ю.Рахимов, М.Рустамбаев ва бошқалар). Бироқ уларнинг аксарияти анча олдин эълон қилинган тадқиқотлар бўлиб, улар охирги ўн йилликдаги жиноий фаолиятнинг тадқиқ қилинаётган турида юз берган сифат ва миқдор ўзгаришларини ўзида тўлақонли акс эттирамайди. Бундан ташқари, мазкур тадқиқотларда инсценировкаларни фош қилиш муаммосини кўриб чиқишида эътибор анъанавий тарзда «классик», яъни олдин содир этилган жиноятларни ниқобловчи инсценировкаларга қаратилган.

Жиноий инсценировка – терговни адаштириш учун воқеа содир бўлган жойнинг ҳолатини манфаатдорлар томонидан сунъий равишда яратиш ёки ўзгартириш (Криминалистика /Под ред. Р.С. Белкина - М.: Норма, 2000. - С. 501. 2 Белкин Р.С. Понятие и структура следственной ситуации // Криминалистика социалистических стран. - М.: Юрид. лит., 1986. - С. 69.3).

Инсценировка зиддиятли вазиятлар, ҳолатни сунъий равишда ўзгартирувчи фактлар, турили хил жиноят аломатларининг мавжудлиги, жиноят изларининг намойишкороналиги ва бошқалар билан белгиланади. Умуман, инсценировка деганда ҳар доим маълум бир ният билан қилинадиган ва аниқ мақсаддага эришишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади. Жиноий инсценировка биринчи навбатда шахсни соxта маълумотларни қабул қилишга ундаш учун

ишлаб чиқилади, иккинчидан, уларни ишончили деб нотўғри баҳолашга, учинчидан эса улар тўғрисида инсценировкачига маъқул келадиган нотўғри қарорни қабул қилишга олиб келади.

Жиноят ишларини ўрганиш ва тергов органлари ходимларининг дастлабки сўров натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, терговчилар турли жиноий хатти-харакатларни қамраб олувчи инсценировкани текширишда муайян қийинчиликларга дуч келишмоқда. Буни терговчи ва суриштирувчиларнинг жиноий инсценировкани текшириш учун услубий қўлланмалар билан етарли даражада таъминланмагани билан изоҳлаш мумкин.

“

Жиноий инсценировка тезкор-тергов, тергов, суд амалиёти ва суд-экспертиза-си фанининг чуқур тарихий илдизларига эга бўлган анъанавий обьектидир. Унинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш қарийб ярим асрдан бўён давом этиб келмоқда. Бу тадқиқотлар етарлича кенг қамровли, изчил бўлишига қарамай, шаклланиш жараёни ҳали тўлиқ якунланган эмас. Тўпланган потенциал кенг қамровли масалаларни батафсилроқ тушуниш, чуқурлашириш ва ривожлантиришни талаб қиласди.

Бу турдаги жиноятларни фош қилиш учун содир этилган жиноятларни яширишнинг турли усулларини аниқлаш, уларни исботлашнинг криминалистик услублари ва тергов жараёнида олинган маълумотлардан унумли фойдаланиш лозим.

Афсуски, ҳар бир терговчи ҳам тез ва профессионал равишда жиноий инсценировканинг мавжудлигини аниқлашга қодир эмас. Бу эса айрим ҳолларда жиноятларнинг фош этилмаслиги, натижада жиноят содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарликдан кутулиб қолишига олиб келади.



## Юқорида қайд этиб ўтилғанлардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, терговчи ва суриштирув олиб борувчи шахслар тергов жараёнида қүйидагиларни ҳисобга олишлари лозим:

- аниқланған излар – агар текширилаётган ҳодиса ҳақиқиүй бўлса, ортиқча излар бўлмаслиги керак;
- инсценировка ҳолати рўй берганда пайдо бўлиши керак бўлган излар;
- инсценировка ҳодисасига хос бўлган излар топилганда уларнинг ҳолати (кўриниши, сифати, миқдори ва бошқалар)ни ўрганиш;
- шериклар топиш ва режа тузишга дахлдор жиноят қуролини топиш;
- тахмин қилинаётган вазиятни ўрганишга қаратилган ҳаракатлар – жиноят жойи, унинг атрофини ўрганиб чиқиш, эҳтимолий яшириниши ёки кетиш йўлларини аниқлаш;
- қидириув ишлари – омборхоналарни жиҳозлаш, демонтаж қилиш, ўғирланган моддий бойликлар ёки транспортларнинг кўриниши, шаклини ўзgartиришга доир расм ва бошқа жиҳозларни аниқлаш;
- жиноят содир этилган жой, вақт, унинг усууллари тўғрисидаги маълумотлар, иштирокчи шахслар, жиноят оқибатида етказилган заарни аниқлаш;
- жиноят қуролларини ишлатиш, ўғирланган товар-моддий бойликлар модификацияси, уларни сотиш йўлларини аниқлаш ва бошқа ҳолатларга ойдинлик киритиш.



Ҳар қандай жамиятда бўлгани каби мамлакатимиизда ҳам ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этган шахслар томонидан жавобгарликдан қутулиб қолиш учун жиноий инсценировкалар ишлаб чиқиш ҳолатлари йўқ эмас. Бундай ҳолатларда жиноятни фош этиш, уларнинг олдини олишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Абдумурад ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва иқтисодий  
процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчisi

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

## ХАБАР ҚИЛАДИ!

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган рухматномаларнинг берилиши, ер ажратилиши, ҳисоботлар тақдим этиш, банкмолия хизматларидан фойдаланишда белгиланган муддатлар ва тартибларнинг бузилиши ёки бошқа кўринишдаги бюрократик тўсиқларга дуч келсангиз;

давлат, ҳукуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулкдорлар фаолиятига ноқонуний аралашилган, қонунга хилоф равишда текширишлар ўтказилган тақдирида ёхуд норматив-ҳукуқий ва бошқа турдаги ҳужжатларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсири бор деб ҳисоблаб, уларни такомиллаштириш зарур десангиз;

ўз ҳукуқларингизни ҳимоя қилиш ҳамда тақлифлар билдириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ташкил этилган «Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази»нинг 1007 қисқа рақамига кўнгирок қилинг.

Шунингдек, Бош прокуратурада тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқий ҳимоясини янада кучайтириш бўйича мутасадди давлат органлари, суд, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларидан иборат таркибда тузилган ташкилий-тахлилий гуруҳга 0371-233-65-23 телефон рақами орқали мурожаат қилиш имконияти ҳам яратилган.

Ҳукуқва қонуний манфаатларингизнинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.




№	Прокуратура органлари	Код	«Ишонч телефон»лари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	0371	232-10-07
2.	Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти	0371	233-10-07
3.	Андижон вилояти прокуратураси	0374	227-10-07
4.	Бухоро вилояти прокуратураси	0365	221-10-07
5.	Жizzах вилояти прокуратураси	0372	226-10-07
6.	Қашқадарё вилояти прокуратураси	0375	228-10-07
7.	Қорақалпогистон Республикаси прокуратураси	0361	222-10-07
8.	Навоий вилояти прокуратураси	0436	210-10-07
9.	Наманган вилояти прокуратураси	0369	227-10-07
10.	Самарқанд вилояти прокуратураси	0366	232-10-07
11.	Сирдарё вилояти прокуратураси	0367	235-10-07
12.	Сурхондарё вилояти прокуратураси	0376	223-10-07
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	0371	271-10-07
14.	Тошкент вилояти прокуратураси	0371	230-10-07
15.	Фарғона вилояти прокуратураси	0373	244-10-07
16.	Хоразм вилояти прокуратураси	0362	227-10-07

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси



# Пробация ўзи нима?



Мазкур кодексда юридик ёрдам олиш, шахсий хавфзизлик, виждан эркинлиги, бюджет ҳисобидан бепул моддий-маиший ва тиббий таъминот олиш, меҳнат қилиш ҳуқуqlари ҳам қайд этилган. Қолаверса, маҳкумлар бевосита ўзи ва вакиллари орқали фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга киришишига рухсат берилган. Масалан, Оила кодексига асосан никоҳ тузиш, никоҳни бекор қилиш, Фуқаролик кодексига

Инсон учун энг қимматли бойлик шаъни ва қадр-қимматидир. Уни камситишига йўл қўйилмайди. Бу қоида қонунларимизда қатъий белгилаб қўйилган. Бу қоида жинояти учун жазони ўтаётган маҳкумларга ҳам тааллуқли. Жазо туридан қатъи назар, улар ўзининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан, жамият аъзолигидан маҳрум қилинмайди. Мисол учун, Жиноят-ижроия кодексига биноан маҳкумлар жазони ўтаётган муассаса кутубхонасидан фойдаланиши, телевизор кўриши, радио тинглаши, мажлисларда сўзга чиқиши, деворий газеталарга маъмурият рухсати билан мақолалар бериши мумкин.

мувофиқ олди-сотди ва бошқа шартномаларни тузиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, мамлакатимизда жиноят соидир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказиласпти. Шулардан бири пробация хизматининг йўлга қўйилганидир. Мазкур хизмат Ўзбекистон президентининг

2018 йил 7 ноябруда қабул қилингандык «Жиноят-ижроға қонунчылыгини тубдан такомиллаштырыш чора-тадбирлари түрінде» ги 4006-қароры билан 2019 йил 1 январдан жордай этилған.

Қарорға мұвоғиқ Ички ишлар вазирилігі Хукуқбұзарлардың профилактикасы бош бошқармасының Озодликдан маҳрум қилиш билан бөлілік бўлмаган жазолар ижро этилишини назорат қилиш бошқармасы негизидә вазириліккін Жазони ижро этиши бош бошқармасы ҳузурда Пробация хизмети ташкил этилган.

**Хўш, пробация ўзи нима? Бу ҳалқаро атама «синов» деган маънени англатади. Моҳияттан шартли ҳукм қилингандык маҳкумларни қайта тарбиялаш, уларнинг ҳукуқларини рўёбга чиқарышнинг самарадорлигиги оширишни назарда тутади.**

Пробация хизматининг дастлабки шакллари ўрта асрларда Англияда вужудга келган. Бунга ўша даврда қўлланадиган жазоларнинг жуда қаттиқ ва шафқатсизлиги сабаб бўлган.

Замонавий пробация хизматини 1841 йилда АҚШ полицияси офицери Жон Августус ташкил этилган. Бунга күтилмаган бир воқеа сабаб бўлган. Кунларнинг бирида суд ичкиликбозлика ўйлиқкан ҳукуқбұзарни ҳибсхонага жўнатади ва уч ҳафтадан кейин ҳукм ўқилишини маълум қилади. Ҳукм ўқиладиган куни ҳукуқбұзар полиция офицери Жон Августус ҳамроҳлигига хушмуомалалик билан кириб келади. Ҳамма ҳукуқбұзарнинг ташки қиёфаси ва феъл-атвори тубдан ўзгарганидан ҳайратланади. Кейинчалик маълум бўлишича, Жон Августус ҳукуқбұзарни назоратга олиб, ахлоқан қайта тарбиялаган экан. Шу орқали суд ва кишилар онгидага шахсни жазолаш эмас, балки қайта тарбиялаш орқали жиноятларнинг олдини олиш мүмкнилиги түрінде тасаввур пайдо бўлган.

Демак, пробация ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш, муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва шартли ҳукм қилингандык шахсларни назорат қилишдир.

Хозирги вақтда кўп мамлакатларда пробация хизматидан фойдаланилади. Мисол учун қўшни

Қозогистонни олайлик. Шартли равишида жазога тортилганлар(6858)нинг 37 фоизига нисбатан пробация қўлланган. Натижада умумий маҳкумларнинг 202 нафари қайта жиноятга қўл урган бўлса, пробацияга тушганларнинг бор-йўғи 15 нафари, яъни 7,4 фоизи тақроран жиноят содир этган.

Бундан хулоса қиласак, жиноят содир этилишининг олдини олишда ҳамда маҳкумларни ахлоқан тарбиялашда пробациянинг ўрни катта.

Хозирги кунда Норвегия, Дания, Нидерландия, Швейцария ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларнинг пробация бўлинмаларида психологияр ишлайди. Бунинг учун алоҳида хизмат хоналари ва заллари ташкил этилади. Улар назоратдаги ҳар бир шахс билан индивидуал сұхбат ўтказиб боради. Уларга психологик ёрдам кўрсатади. Руҳий ҳолати, муаммоларини аниқлайди. Синов даврида ана шу муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар беради. Психологик услубларни қўллаган ҳолда назоратдаги шахсларнинг ижтимоий-психологик портрети тузилади.

2020 йил 14 февралда ҳукуматнинг «Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түрінде» ги 84-қарори қабул қилинди. Унга мұвоғиқ 1 марта назоратдаги шахсларга ижтимоий-ҳукуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирик ва идоралар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилиши белгиланди.

Шунингдек, юридик йўналишдаги олий таълим муассасаларининг дастурларига назоратдаги шахсларнинг психологик портретини ўрганиш бўйича маҳсус мавзуулар киритилиши ҳамда психология йўналишида ўқиётган талабаларнинг пробация бўлинмаларида амалиёт ўтаси назарда тутилган.

Умуман, пробация хизмати назоратдаги шахсларнинг ижтимоий мослашувига, ўқиши ва ишга жойлашишига қўмаклашади ҳамда улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

**Алибек БЕКМІРЗАЕВ,**

Аддия вазирилігі Ижтимоий-иктисодий соҳада ҳукуқни қўллаш амалийини ўрганиш бошқармаси катта маслаҳатчиси



Бул маддага тартибласкан чаржиниң көмүкчеси тарабынан жасалған жағдайда оның салынуда олардың тартибласкан чаржынан айбизизлектес болып көрүлгөн болады. Бул маддага тартибласкан чаржиниң көмүкчеси тарабынан жасалған жағдайда оның салынуда олардың тартибласкан чаржынан айбизизлектес болып көрүлгөн болады.



# Айбиззлик презумпцияси

Бугунги кунда миллий қонунларимизни инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари устувор деган тамойилга асосланган ҳолда такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Ўзбекистон президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони шулар жумласидандир.

Мазкур фармон билан қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолат ва айбизилик презумпцияси каби конституциявий принципларни таъминлаш мақсадида соҳага оид қонун хужжатларига қатъий риоҳ этиш суд ва хукуқни муҳофаза қилювчи органлар эътибор қаратиши лозим бўлган устувор вазифа этиб белгиланди.

Шу ўринда айбизилик презумпциясига тўхтадиган бўлсан, ушбу принцип инсон, унинг хукуқ ва эркинликларини кафолатловчи асосий конституциявий тамойиллардан бири бўлиб, шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан исботланмагунча айбиз хисобланнишини англатади.

Айбланувчининг айби қатъий исботланиши ва бартараф этилиши мумкин бўлмаган шубҳалар унинг фойдасига ҳал қилиниши ҳақидаги талаб давлат органларини иш ҳолатларини холисона, ҳаққоний аниқлашга ундейди, бусиз иш судда асосли ва адолатли ҳал этилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Жиноят хукуқи назариясида «айб» тушунчасига «шахснинг ўзи содир этган, Жиноят кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилимиши(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан руҳий муносабатининг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклини даги кўриниши»<sup>2</sup> деб таъриф берилган.

Жаҳон тарихида айбизилик презумпцияси биринчи марта 1789 йил 26 августанда Франциянинг Фуқаро ва инсон хукуқлари декларациясида фуқаро шахсий озодлигининг процесдуал кафолати сифатида эълон қилинди. Хусусан, ушбу декларациянинг 9-моддасида ҳар бир шахснинг айби аниқланмагунча у айборд хисобланмаслиги белgilab кўйилди<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, ушбу тушунча Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция каби умумэътироф этилган халқаро хужжатларда баён этилган.

Масалан, Инсон хукуқлари умумжаҳон декла-

рациясининг 11-моддасида жиноят содир этганида айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлисида айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбиз деб ҳисобланнишга ҳақли эканлиги<sup>4</sup> ҳамда Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида жиноят содир этганида айбланаётган ҳар қандай шахс қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш хукуқига эгалиги кўрсатиб ўтилган<sup>5</sup>.

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда ҳам айбизилик презумпцияси билан боғлиқ нормалар белгиланган бўлиб, улар мамлакатимизда бевосита инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари устуворлиги ва кафолатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Хусусан, айбизилик презумпцияси Ўзбекистон конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унинг мазмuni қўйидагиларда кўринади:**

**Биринчидан**, жиноят содир этганида айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айборд хисобланмайди;

**Иккинчидан**, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Айбизилик презумпцияси билан боғлиқ норма «Судлар тўғрисида»ти қонуннинг 10-моддасида «айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунга қадар, айбиз хисобланади» тарзида келтирилган.

Бундан ташқари, Жиноят-процесдуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбордлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбиз

<sup>1</sup> Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процесдуал кодексига шархлар. Масъул мухаррир проф. F.Абдумажидов – Т.: ТДЮИ, 2008, 32-33-6.

<sup>2</sup> Рустамбоев М. Ўзбекистон Республикаси жиноят хукуқи курси. Умумий қисм. 1-жилд. Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. – Т.: «ТДЮИ», 2010. – 214-6.

<sup>3</sup> Каранг: <http://www.agitclub.ru/museum/revolution1/1789/declaration.htm>

<sup>4</sup> <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

<sup>5</sup> <https://kasaba.uz>



хисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизилигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги хамда қонун кўлланаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган.

Юқоридаги қонун хужжатларининг таҳлили нафақат гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи, балки Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси маълум бир жиноят иши юзасидан унинг айбилик масаласи қонуний тартибда кўриб чиқилиб, айби исботланмагунча айбиз ҳисобланишини кўрсатади.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасида исбот қилиши суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга ошириши белгилаб кўйилган. Шахснинг айборлигини исботлаш суриштирув ва тергов органларига юклатилган бўлиб, бу вазифани гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи амалга ошириши шарт эмас. Бу уларнинг ҳукуқи бўлиб, мустақил рувида ёки ҳимоячиси орқали исбот қилишда иштирок этиш ҳукуқига эгадирлар.

Яна шуни таъкидлаш керакки, айбизилик презумпцияси учун Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 3-қисмида мустаҳкамланган ҳолатлар ҳам аҳамиятта молик. Жумладан, айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

«Шахснинг жиноят содир этганликда айборлиги ҳакидаги хулоса тахминларга асосланиши мумкин эмас ва шубҳасиз етарли далиллар билан исботланиши лозим. Айбловни тасдиқлайдиган ишончли далиллар бўлмаган ва янги далиллар тўплланмаган тақдирда иш юритиш тутатилиди ёки оқлов ҳукми чиқарилади. Қонунни қўллашда келиб чиқадиган иккиланишлар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак»<sup>6</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар қонунчилигидаги айбизилик презумпцияси оид қоидаларни таҳлил қиласидаган бўлсақ, Россия Жиноят-процессуал кодексининг 14-моддаси 1-қисмида айбланувчининг жиноят содир этишда айборлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбиз ҳисобланиши белгиланган<sup>7</sup>.

Ўзбекистондан фарқли равиша Россияда гумон қилинувчи ва судланувчи учун айбизилик презумпцияси назарда тутилмаганини кўрсатиб ўтиши мумкин.

Шу каби Беларус Жиноят-процессуал кодексининг «Айбизилик презумпцияси» деб номланган 16-моддасида ҳам ушбу принцип фақаттинга айбланувчига нисбатан татбиқ этилиши, жумладан айбланувчининг жиноят содир этишда айборлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбиз ҳисобланиши<sup>8</sup> белгиланган.

Молдова Жиноят-процессуал кодексининг 8-моддасида ҳар қандай шахснинг жиноят содир этишда айборлиги ушбу кодексда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси орқали унинг ҳимояси учун барча зарурий кафолатлар билан таъминлаш орқали исботлангунга ва охирги айблов ҳукм билан аниқлангунга қадар айбиз ҳисобланиши<sup>9</sup> кўрсатиб ўтилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимиз Жиноят-процессуал кодексидаги айбизилик презумпцияси билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш лозим. Ҳусусан, айби суд ҳукми билан исботланмаган ҳар қандай шахснинг айбизилик тўғрисидаги ҳукуқларини бевосита таъминлаш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 1-қисмида назарда тутилган «гумон қилинувчи», «айбланувчи» ва «судланувчи» тушунчаларини «ҳар қандай шахс» тушунчаси билан ўзgartириш керак. Зоро, суд хужжати билан қонунчиликда белгиланган тартибда айби исботланмаган ҳар қандай шахс асосиз айбланишдан ҳимояланиш ҳукуқига эга.

**Дилдора БОЗОРОВА,**  
юридик фанлар номзоди

<sup>6</sup> Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул мухаррир проф. Ф.Абдумажидов – Т.: ТДНОИ, 2008. -32-33-б.

<sup>7</sup> <http://upkodeksrf.ru/ch-1/rzd-1/gl-2/st-14-upk-rf>

<sup>8</sup> <http://odeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks/statya-16>

<sup>9</sup> [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwv?rgn=3833](http://base.spinform.ru/show_doc.fwv?rgn=3833)

# «Адолат – қонун устуорлигидә»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси  
билан ҳамкорликда суд-хүкүк ислоҳотларини,  
шунингдек, судлар фаолиятини оммавий ахборот  
воситаларида ёритишни янада  
такомиллаштириш мақсадида  
**«Адолат – қонун устуорлигидә»**  
танловини эълон қиласди.



Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетта ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидағи ислоҳотларни ҳамда норматив-хүкүкйи ҳужжатларни тарғиб қилишга ахолининг бу борадаги ҳуқүкйи саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқүкйи маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материалларига муаллифининг тўлиқ исм-фамилияси, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар,  
интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

## ТАНЛОВДА ҚҮЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНАДИ:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича голиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.



«ЕДИНСТВО»

Сен гулсену мен ҳақыр булбулдурмен,  
Сен шуъласен, ул шуълага мен күлдурмен.  
Нисбат йүқдур деб ижтинос айламаким,  
Шоҳмен элга, vale сенга күлдурмен.

Заҳириddин Мұхаммад Бобур



# Гулдан нозик, тоғлардан кучли

Аёл хилқатига гўзал таърифлар туганмасдай. Гарчи феъли ҳам, ўзи ҳам баҳорга менгзалса-да, бъазан тушунник сиз туолса-да... Агар у бўлмаганида буюклар, ботирлар тугилмас эди, шоирлар яралмас эди, муҳаббат қасрлари қурилмас эди...

Аслида қиз фарзанд туғилгандаёт отасига нодир тухфа бўлади. Яъни, ҳадисларда айтилганидек, ҳатто биргина оқила қиз ўстирганга жаннат ваъдаси бор. Турмушга чиққач эса улар эрларига омонатдорлик лавозимини берганки, омонатга хиёнат қылмаганлар чин мўъминлардандир. Оқила аёл умрини яшаб ўтиш чиндан катта мукофот. Айниқса, унинг ҳам адаб, ҳам касб-кор, илму маърифатдаベンазир бўлиши эса жамият ривожи йўлида олтин кўприқидир.

Беихтиёр машҳур ривоят ёдга тушади: бир факир киши донишманд ҳузурига борибди.

- Менинг ўғил ва қиз фарзандим бор. Аммо уларнинг ҳар иккисини илмли қилиб вояга етказишига курбим етмайди. Қай бирини ўқитай?

Донишманд унга қиз фарзандини ўқитиши ҳақида маслаҳат берибди. Сабабки, агар ўғлига таълим берса, фақат бир кишини илмли қилган, қизини ўқитса, бутун авломдига таҳсил берган бўлур экан...

Дарҳақиқат, истаймизми, ийқуми, дебоча зиё – онадан. Оқ сути-ю алласига қўшиб, илоҳий сўз сеҳрини ўргатган ҳам шул зот. Тили сўзга дўна бошлаган фарзандига борлиқни танитган ҳам ул. Болаларча туганмас

саволларига бир-бир жавоб берадиган ҳам. Агар она маърифатли бўлса, сўзнинг қудрати-ю уволини мурғак вужуд хис қила бошлайди, борлиқнинг қонуниятларини осон ўзлаштиради, илк саволларининг илмий жавобларини топа билади. Агар она саводсиз бўлса-чи? Бола туғилгандаёт бўшлиқда қолади. Пойдевори бўш бинонинг қад рости эса даргумондир. Шу боис ҳам даҳолар оналари хусусида суриштирсангиз, албатта илму фасоҳати юксак аёллар бўлиб чиқади. Бу қонуниятни яхши билган ҳалқимиз азалдан хотин-қизларнинг таълим олишига эътиборли бўлган.

**Аёлларнинг оналик мақоми-ю рафиқалик адаби, фарзандлик меҳри ҳақида кўп ва хўп гапирилган. Шу ўринда бу соҳир қалб эгаларининг тарихимиз сўқмоқлари аро жамиятда тутган ўрни ҳақида баҳоли қудрат фикр юритсак. Аввалбошдан айтиш жоиз, узоқ мозийда хотин-қизлар орасида ҳам динни чуқур билган, фикр илмидаги мукаммал, ҳадис-шунос, шариат қонун-қоидаларидан пухта хабардор момоларимиз номлари кўплаб учрайди.**

Манбаларга назар солсақ, XII асрда тўлиқ исми Алоуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Косоний бўлган, «Малик ал-уламо» (олимлар подшохи) дея шарафланган буюк фикрхунос яшаган. Ҳар қандай фикрҳий

масалаларнинг тугал ечимини топа олган олим турли илмий баҳсларга таклиф этилган. Ана шундай мунозаралардан бири Рум диёрида бўлади. Аллома Шаъроний тахаллусли кишининг анчайин ҳом фикрига чуқур исботи билан эътиroz билдиради. Аммо ўз қарашини бир ёқламалик билан ҳимоялашда давом этаётган ўша кишидан табиатан қизиқон бўлган олимнинг газаби келиб, қўлидаги қамчи билан музокардошини тартибиға чақиришга уринади. Қамчи аралашган илмий баҳсадан Рум подшоҳига арз қилинади. Аммо гарчи бироз тезлиги бўлса-да, чуқур илмли бу алломадан воз кечиб бўлмасди. Шунда доно вазирнинг маслаҳати билан подшоҳ Алоуддин Косонийни Ҳалаб юртига элчи қилиб юборади. Шу-шу, олим умрининг охирига қадар ўша шаҳарда яшаб қолади.

Хўш, бу воқеани айнан келтиришдан мурод не дерсиз? Гап шундаки, ҷала, ҳом-хатала фикрларга аёвсиз, муросасиз муносабатда бўлган аллома билан сухбатдош – ёр бўлиши учун камида унинг ўзичалик ақлу заковат керак. Яъни, бу ўринда алломанинг аёли зеҳнини ҳақда тасаввур пайдо бўлади.

Алоуддин Косонийнинг рафиқаси – Фотима бинти Алоуддин ас-Самарқандий фикр илмидагиベンазир бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик берисича, аёл фикр ва ҳадис илмидаги хусниятда турмуш ўртоғидан қолишимаган экан.

Косоний ўз даврининг улут мударриси Алоуддин Самарқандига шогирд тушиб, унинг ки-



тобларидан бирига шарх ёзди  
ва уни устозига тухфа қилади.  
Китоб олимга манзур келиб, об-  
рўли совчилар воситасида қи-  
зини шу шогирдига никоҳлаб  
беради. Оила қурилганидан  
сўнг Алоуддин Косоний, Алоуд-  
дий ас-Самарқандий ва Фотима  
бинти Алоуддин ас-Самарқандий  
биргаликда фатво бериш-  
ган экан. Демакки, бу аёлнинг  
имлигига хурмат билан ёндашил-  
ганки, унинг маслаҳати, фикри  
отаси ва турмуш ўртоғи томо-  
нидан инобатга олинган.

Кейинчалик биз юкорида  
тилга олиб ўтган воқеа юз бер-  
гач, Фотима бинти Алоуддин  
ас-Самарқандий турмуш ўртоғи  
билан бир умр Ҳалабда яшаб  
қолади. Табиатан ноҳақликка  
муросасиз ва қизиққон эри умр  
бўйи унинг кўнглига қарагани  
ва баҳсли мавзуларда маслаҳат-  
лашгани манбаларда зикр қи-  
линади.

Келинг, бир лавҳа келти-  
райлик. Ҳикоя қилинишича,  
кунлардан бир куни ватанини  
соғинган Косоний юртга  
қайтишга ҳозирлик кўра бош-  
лайди. Ҳатто ҳукмдор Нуриддин  
аз-Зангийнинг қолишини  
сўраб, қилган илтимосини ҳам  
рад этади. Шунда подшоҳ  
олимнинг рафиқасига хат юбо-  
риб, турмуш ўртоғини Ҳалабда  
яашашга кўндириб беришини  
сўрайди. Буни қарангки, ра-  
фиқасининг илтимосини ино-  
батга олиб, аллома бутун умр  
уша шаҳарда қолади. Бу икки  
фикъшунос аллома бугунги кун-  
да Ҳалабдаги «Эр-хотин қабри»  
номи билан машҳур бўлган  
қабристонга дағн қилинган.

Шунингдек, Фотима бинти  
Алоуддин ас-Самарқандий  
илми, салоҳияти билан ўз дав-  
рининг «Малик ал уламо»сига  
муносиб ёр бўла олгани таҳ-  
синга сазовордир. Биз одатда  
даҳоларнинг онаси ёки шун-  
чики рафиқаси бўлгани учун  
аёлларга хурмат кўрсатамиш  
гўё. Мана шу хурматнинг ёни-  
га улуғ алломага муносиб ал-  
лома бўлгани учун деган эҳти-  
ромни ҳам бемалол кўллаш  
мумкин.

## **Аёллар борасида бироз «зиқнароқ» тарихимиз қатларини қайирсак, аллома хотин-қизлар ҳақида маълумотлар учратамиз.**

**Аёл – бунёдкор.** Биргина темурий маликаларнинг ўзи-  
нигина келтиришнинг ўзи кифоя. Сароймулхонимдан  
тортиб, Зебуннисобегимгача ва ундан кейинги даврларда  
ҳам аёлларнинг турли иншоотлар, мадрасас-ю мақбаралар,  
боғлар барпо этишгани маълум. Кўплаб ривоятларга сабаб  
бўлган Сароймулхоним мадрасаси эса бу борада алоҳи-  
да эътирофга лойик. Чунки у Амир Темурдан ижозат сўраб,  
ўз маблағи ҳисобидан, яъни Қозонхон совға қилган бир  
жуфт олмос кўзли балдоғининг пулига мадраса қурдира-  
ди. Хоссатан қурилиш жараёнлари ва кейинчалик у ерда  
таҳсил олган толиби илмларга маликанинг турфа ҳомий-  
лиги ҳақида ҳалқ орасида кўп ривоятлар тарқаган. Ушбу  
мадраса замонасининг жуда маҳобатли ва машҳур таълим  
даргоҳларидан бири бўлган.

**Аёл – тарихчи.** Бу борада Гулбаданбегим энг муносиб  
вакилдир. «Ҳақгўй отанинг ростгўй қизи» дея таъриф бери-  
ладиган бу аёл «Ҳумоюннома»си билан тарих зарварақла-  
ридан алоҳида ўрин эгаллади. Сабабки, отаси давридан  
бошлаб, ўзи яшаган замонгача рўй берган воқеалар, кўрган-кечиргандарини маҳорат билан тасвирлади, шу орқа-  
ли мозийнинг кўплаб нұқталари ойдинлашди.

**Аёл – давлат арбоби.** Машҳур саёҳатчи Ибн Баттута ўз  
китобида Амир Темур саройида бўлгани ва кўрган-кечир-  
гандарни ҳақида ёзаркан, Сароймулхонимни алоҳида таъ-  
рифлайди. Энг қизиғи, олиб келинган түхфалар орасида  
қизил кимхоб соҳибқиронга манзур бўлгани ва бу ҳақда  
рафиқаси билан фикрлашгани тасвирланади. Эрнинг вази-  
ри – хотин дейди ҳалқимиз. Гарчанд расман бўлмаса-да,  
зукко ва донишманд рафиқалар подшоҳлар учун ҳамиша  
давлат ишларида маслаҳатчи бўлишган.

**Аёл – жангчи.** Аслида баҳодирлик юртимиз аёлларининг қонида бўлса ажаб эмас. «Алпомиш» достонида Барчинойнинг аллар билан олишиб, ҳаммасининг курагуни ерга теккизгани, афсонавий Тўмариснинг ватан ҳимояси учун жангга киргани бунинг ёрқин далилидир. Қолаверса, Қурбонжон Доддоҳонинг от устида жангга киргани, ватан, ҳалқ озодлиги учун курашгани аёл фитратидаги яна бир тилсимни очади. Ҳатто ўз дилбанди – ўғлини дорга осишаётганини кўриб ҳам олий мақсадидан воз кечмаган бу саркарда аёл жасорати тоғдай бардошига ёмби далилдир...

- Эна-эй-й! – деб ҳайқарди. – Жоним энам!..
- Болам! – деди доҳоҳ. Овози бирлаҳза титраб кетди-ю, шу ондаёқ мардана, қаҳрал тус олди. – Болам! Шаҳид ўлмоқ бизга мерос! Отабоболаринг ҳам душман қўлида ўлган! Алвидо, болам! Берган сутим оқ бўлсин!..

(Хайриддин Султоновнинг «Бунчалар ширинсан, эй аччиқ ҳаёт!» ҳикоясидан)

Яқинда ҳиндистонлик бобуршунос олим билан сұхбатлашганимда тадқиқотчи бобурий маликалар ҳақида гапира туриб, «Улар шоира, олима, хушхулик ва баҳодир аёллар бўлган» деди. Энг охирги таъриф диққатимни тортди ва ба ҳақда кенгроқ маълумот сўрадим. Айтишича, темурйилар давлатидаги анъанага биноан бобурий маликалар худди бугунги мак-

таблардаги каби муайян соатларда зарур сабоқларни олишган. Мисол учун, тарих, фиқҳ, адабиёт илмидан. Эътиборлиси, булар сирасига жанг санъати ҳам кирган.

**Аёл – мураббий.** Жаҳон Отин Увайсий – нафақат оддий хотин-қизларни, балки хоннинг рафиқаси, кейинчалик Нодирабегим номи билан тариху адабиётдан муносаби жой

олган шоиранинг устозидир. Нақл қилишларича, таъби назми юкори бўлган Амирӣ гўззаликда танҳо рафиқасининг шеъриятидан кўнгли тўлмайди. Ва Увайсийни унга мураббийликка тайинлади. Орадан бироз вақт ўтгач, ўзи билан қолишмай мушоира қилаётган жуфтининг фасоҳатига қойил қолиб, Увайсийнинг сабоқларидан мамнун бўлади.

Бугунги кунда гендер тенглик туфайли ижтимоий ҳаётда аёллар кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб. Шу ўринда айрим фикрларимни баён этмоқчиман. Гендер тенглиги дея аллақандай мезонларни кўрсататётгандарга бир аёл сифатида айтгим келади. Бизда илмдан хабардор ҳеч бир киши аёл ҳуқуқини поймол қилмаган, аксинча, унинг имтиёзларини кўллай билган. Аллоҳнинг омонатига хиёнат қилмаган. Ҳануз

миллий характеримизга сингиб кетган шу хусусият сабаб ҳам рози-ризолик асосида илмни Чину мочиндан бўлса ҳам излаётган хотин-қизларимизнинг сони кўп. Жамиятнинг ноzioni хилқат вакилларига оғирлик қилмайдиган жабҳаларида улар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Ҳатто сиёсий ҳаётда ҳам аёлларнинг ўз ўрни бор. Президентимизнинг шу йил 8 март – ҳалқаро хотин-қизлар айёми муносабати билан

ўтказилган тантанали тадбирда сўзлаган нутқидаги қизларнинг билим олиши, олий таълим муассасаларига қабул қилиниши учун алоҳида имтиёзлар берильиши ҳақидаги гаплари, айниқса, кувонарлидир.

Энг асосиси, аёл фитратида илмга, касбу корга бўлган кучли хоҳиш ва маҳоратнинг мавжудлигини момоларимиз исботлаб туришибди. Уларнинг ибрат мактаби йўлларимизни ёритгувчи маёқ бўлиши шубҳасиз.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

## LexUz –

**Ўзбекистон Республикаси  
Қонун ҳужжатлари  
маълумотлари миллий базаси**

Мақсадимиз аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларидан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Индиар бўйича	Шакли бўйича	Орган бўйича
2008 – 2016	Конституция	Республика
2016 – 1993	Кодекс	Юрисдикция
2017 – 2016	Кодекс	Судеби
2018 – 1997	Кодекс	Сенат
2015 – 2008	Формул	Депутат
2014 – 2008	Формул	Конституцион
2016 – 2008	Конституция	Министр

Годы:

- 2017 – 2016
- 2018 – 1993
- 2015 – 2008
- 2014 – 2008
- 2016 – 2008
- 2016 – 2008
- 2016 – 2008
- 2016 – 2008
- 2016 – 2008

## LexUz –

**Интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни олиш имконияти**

Тизимда рўйхатдан ўтиш мажбурий эмас, фойдаланиш мутлақо бепул.

t.me/lexuzofficial



[www.facebook.com/LexUzbekistan](https://www.facebook.com/LexUzbekistan)



## Ишончлилик

**LexUz тизими**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигига тегишилид**

Тизимга маълумотлар фақат расмий манбалардан киритилиши уларнинг ишончлилигини таъминлайди.

**Консультатив создари**

- Консультатив тарзи
- Давлат бошкунча якордори
- Фурӯшиён хизматчиги
- М
- Ишонч ва вилоятни беандиган Ўзбекистон консультатив тарзи
- Ишончликий тарзи ва ишончи гурӯзга турониду
- Молла ва ордат (Узбекистони конгресси, Башкадими)
- Узбек конгрессиги, Кончак сўзчиги
- Габорондош ва сўзчак равозиги
- Тайи нишонидаги фаласати. Бозиган иди

- Алоғоз табиият нусхати табиият дикурлари
- Алоғоз ва каборибахорлари
- Тезлик, ин. Маддат
- Солиман сабоби: Жисоний тарбия. Спорт. Туризм
- Идеяфа
- Аварийнотиҳо ва курб, тернибот нуорибаси
- Пено симон
- Гарбонома. Админалуда. Нигораи. Юридик низомат. Адмир суғарбаси. ОИДД оғизигари
- Гамиди нусхасибето. Халқово қадар

## Мобиллик

**LexUz тизимиidan дунёning**

**исталган жойида**

**фойдаланиш мумкин**

LexUzning мобиль қурилмалар учун версияси мавжуд.



**Манзил:** Тошкент шаҳар, Миробод туман


Амир Темур шохжӯчаси, 19-үй.

**Тел.:** (998 71) 233-38-08, (998 71) 233-73-

**http:** [www.lex.uz](http://www.lex.uz); **e-mail:** lex@adliya.uz

# «Huquq va burch» журналини онлайн харид қилиш учун ЙЎРИҚНОМА

1 www.huquqburch.uz сайтига киринг.



The screenshot shows the top navigation bar of the website. It includes the logo 'HQB PORTAL' with 'HUQUQ VA BURCH' below it, the date 'Juma, February 21, 2020', and language links for 'Ozbek' and 'Russian'. Below the navigation is a search bar with the placeholder '«Huquq va burch»'. A red circle highlights the search button icon, and a hand cursor is shown clicking it. To the right of the search bar are links for 'Онлайн сотув' (Online store) and 'Мультимедиа' (Multimedia), along with social media icons for Facebook, Instagram, YouTube, and Telegram.

2 3 Ўзингизга зарур журнални танланг ва "саватга қўшиш" тугмасини босинг.



Huquq va burch 2019/1

20 000 сўм

Боғлиқ: 2019 йил оналӣ



4 Ҳосил бўлган ойнадан "view cart" тугмасини босинг.

 You cannot add another "Huquq va burch 2019/1" to your cart.



5 "Буортма бериш" тугмаси орқали тасдиқлаш бўлимига ўтиб, тегишли маълумотларни тўлдиринг.

## Маълумотлар

Исм \*

Фамилия \*

Фирма номи (мажбурий эмас)

Давлат \*

Uzbekistan

Манзил \*

Кўча номи, уй раҳдими

Корпус, кўшинчча маълумот

Шахар / кишлак номи \*

Вилоят \*

Tashkent

Почта индекси \*

Телефон раҳам \*

Email манзил \*

5 Маълумотларни киритиб бўлганингиздан сўнг қулай тўлов осууни танланг.

## Буортмангиз

Номи	Жами
Huquq va burch 2019/1 × 1	20 000 сўм
Жами	20 000 сўм
Умумий тўловга	20 000 сўм

 CLICK

Оплатить с помощью CLICK

 Payme

Pay

Шунингдек, онлайн сотиб олиш бўлимига кириш учун ушбу QR-коддан фойдаланиш мумкин.



Таср 21158




HUQUQIY  
AXBOROT  
PORTALI

Ушбу хизмат  
орқали сиз



### Электрон журнал

Нашрни PDF форматда  
компьютер ёки смартфоннинга  
юкаб олинг.



### Онлайн обуна

Үйнингиздан чиқмасдан  
буюрта беринг.



### Тўлов тизимлари

Хизмат учун тўловларни  
Payme ҳамда Click тўлов  
тизимлари орқали  
амалга оширишинг.

# Журналимиз энди ЭЛЕКТРОН ШАКЛАДА!



ОНЛАЙН ОБУНА  
3, 6 ва 9 ойлик

+ 10 йиллик архив  
супер чегирма  
нархларда

### АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Нашримизни  
энг биринчилар қаторида  
үкишни истасангиз  
«Онлайн обуна»  
хизматимиздан фойдаланинг.



Журнали сотиб олиш ва онлайн обуна булиш учун қуйидаги  
ҳаволага киринг: <http://huquqburch.uz/shop/>